

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ўзбекистон давлат Консерваторияси

Д.Ю.Саипова

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

Маъruzалар матни

Тошкент-2008

Тақризчи: профессор Р.Ғ.Қодиров

Ушбу «Умумий психология» фани бўйича маъруза матнларида психологиянинг предмети, психология тарихи, билиш жараёнларининг психологик хусусиятлари, мулоқот, гурухлардаги психологик хусусиятлар, мустақил фикрлаш омиллари мулоқот, инсон индивид сифатида, темперамент, характер, қобилият, инсон субъект сифатида, ирода, ҳиссиятлар, идрок, онг, онгнинг тузилиши ва шахсни шакллантиришнинг психологик асослари атрофлича қамраб олинган. Бакалаврият таълим йўналишидаги талабалар ва шу соҳадаги ўқитувчилар учун тавсия этилади.

Тавсия этилган маъруза матнлари ўз олдига бўлажак мутахассисларни

ЎзДКнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан кўпайтиришга тавсия этилган (2008 йил, 5-май, баённома № 5)

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганига ун икки йил тулди. Мустақиллик халқ хужалигининг, фан, маданият, санъатнинг ривожланишига кенг йул очиб берди. Айникса, у халқ таълимнинг ривожланишига, биринчи навбатда, олий таълимнинг юксалишига кенг имкониятлар очди. Натижада мамлақатимизда таълимни ислоҳ килишга, мутахассислар тайёрлашни жаҳон андозаларига яқинлаштиришга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг кабул килиниши таълимни ислоҳкилишкучун хукукий асос булди.

Республикамизда жаҳон андозаларига мос кадрлар – бакалавр ва магистрлар тайёрлашга киришилди, чунки Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «...чукур билимли, маънавий юксак, юкори малакали кадрлар етиштирмай туриб, келажаги буюк давлат қуриш мумкин эмас».

Олий укув юртида юкори малакали педагогик кадрлар етиштиришда психология фанининг роли ва урни буюkdir. Чунки психология жамиятнинг харакатлантирувчи кучи булган инсонни шакллантиришда алоҳида уринда туради. Биз тайёрлаётган мутахассислар психология фанини чукур ва пухта узлаштирган тақдирдагина ёш авлодни хар томонлама камолга эришган кишилар килиб тарбиялай олишлари мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, психология фанини узлаштириш талабалар учун маълум кийинчиликлар тугдирали. Бунга сабаб, биринчидан, талабалар, бу фанни урганишга биринчи бор дуч келганлари булса (мактабда урганилмаган), иккинчидан, инсоннинг ранг-баранг руҳий олами, кузга куринmas ички хис- туйгулари, кечинмалари хакидаги мураккаб фанлиги, учинчидан, энг янги, замонавий дарсликлар, укув кулланмаларининг етишмаслигидир.

Ушбу маъруза матнини тузишдан максад, биринчидан, адабиётлар етишмаслигининг маълум даражада олдини олиш булса, иккинчидан, энг мухими, психологик билимларни талабаларга осон, тушунарли, мисолларга бой килиб етказишидир.

Маъруза матнини тузишда «Умумий психология дастури» (тузувчилар п.ф.д., профессор М.Г. Давлетшин ва катта уқитувчи У.М.Умаров, Т., 1996 й)га хамда 2001 йил 16 августда тасдикланган Давлат таълим стандартларига асосланилди.

Матнни тузишда Э.Фозиевнинг «Психология», «Олий мактаб психологияси», «Тафаккур психологияси» китобларидан, А.В.Петровский таҳрири остидаги «Умумий психология» дарслигидан фойдаланилди. Шунингдек, айrim психик жараёнларни ёритиш, назарий фикрларни исботлашда умумий психология буйича хрестоматиядан, психолог олимларнинг энг янги тадқикотларидан, вақтли матбуот материаларидан хам фойдаланилди. Энг мухими, матнни тузишда психология уқитиш соҳасидаги куп йиллик иш тажрибаларимизга таянди.

Албатта, бу биринчи тажриба булғанлиги учун айrim камчиликлар ва кусурлардан холи эмаслиги табиийдир. Шунга карамай «Умумий психологиядан маърузалар

матни» психология чукур ва пухта узлаштиришда талабаларга кумак беради деган умиддамиз.

Мавзу: УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режса:

1. Умумий психология фани хакида тушунча.
2. Психика соҳасидаги турл хил карашлар.
3. Психика бош мия ва нерв системасининг маҳсули эканлиги.
4. Психиканинг рефлектор табиати.
5. Психика ва онг.
6. Хулоса.

Хар бир фаннинг уз обьекти, урганадиган соҳаси булади. Масалан, зоология хайвонлар, улар организмининг тузилиши, яшаш шаралитини урганса, астрономия осмон жисмилари, уларнинг хусусиятларини урганади.

Психология хам алохида фан булиб, вокеликнинг алохида соҳаси булган психик (рухий) ҳаётни урганади. “Психология” сўзининг ўзи юончча **п с ю х е** (рух, жон) ва **логос** (суз, илм) деган икки суздан олинган булиб, маъноси рух хакидағи илм демакдир. Лекин унинг бу маъноси ҳозирги замон психологиясининг асл мазмунини очиб бера олмайди Чунки ҳозирги психология фани психика, унинг зохир булиши ва ривожланиш конуниятлари хакидағи фандир (Ғозиев Э). Психология психик холатлар, психик жараёнлар ва уларнинг механизмларини урганадиган фандир (А.В.Петровский).

Хар биримизда мавжуд булган сезгилар, идрок, диққат, хотира, хаёл, нутк, тафаккур, хиссиёт, идора кабилар психик жараёндир. Булардан ташкари хар бир шахснинг узигагина хос булган хусусиятлар: кизикиш, хавас, қобилият ва истедод, темперамент ва характер кабилар хам психик жараёнлар жумласига киради. Психик жараёнларнинг умумий йигиндисини бир суз билан психика деб юритамиз.

Психика органик ҳаётнинг юксак формаларидан бўлиб, у хайвонлар ва инсонга хосдир.

Лекин хайвонларнинг психикаси инсон психикасига нисбатан соддарок тузилгандир. Инсон психикаси микдор жихатидан хам, сифат жихатидан хам хайвоннидан фарқ килади.

Инсондаги психик ҳаёт соҳалари ниҳоят хилма- хилдир. Шунга карамасдан улар бир-бири билан чамбарчас бояланган булади. Психология фанининг вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг конуниятларини очиб беришдир. Бундан ташкари, Республикаиз мустақиллика эришган ҳозирги даврда инсон онгидаги саркитларни, биринчи навбатда, собиқ каммунистик ғоялардан халос қилиш, болани янгича фикр юритишга ургатиш, унинг онгига таъсир қилишнинг энг самарали йулларини кўрсатиб бериш ҳам психологиянинг вазифасидир.

Психология кадимий фанлардан бўлиб, у бундан 2,5 минг йил илгари пайдо бўлган. Кадимги грек философларидан Героклит (э.о. 530-470) Демокрит (э.о.460-370), Гиппократ (э.о.VI аср), Сократ (э.о.459-399), Платон (э.о.428-348) нинг асарларидаёқ кишининг жони ва руҳий ҳаёти тугрисида жуда кўп ва хилма-хил

фикrlар баён килинганини курамиз. Инсон рухий ҳаёти ҳақидаги айрим фикrlарни кадимги хитой ва хинд мутафаккирларининг асарларида ҳам учиратиш мумкин. Лекин инсон психикаси ҳақидаги мунтазам таълимотни биринчи марта юонон философи Аристотель (Арасту) (э.о.384- 322 й) яратган. У “Жон ҳақида» деган асарида психика ҳақида батафсил тўхталиб, унинг кўпгина томонларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, узидан олдинги олимларнинг фикrlарига тарихий шарх берган. Шунинг учун ҳам у психологиянинг «отаси» хисобланади.

Психик жараёнлар миянинг алохida хоссаси бўлиб, факат миянинг фаолиятига боғлиқ ҳолда руй беради. Одам бош мияси юксак даражада ташкил топган материя бўлиб, психика эса ана шу материянинг маҳсули, унинг функциясидир.

Психик ходисаларнинг қандай руй беришини билиш учун унинг моддий асоси – нерв системасига bogланган ҳолда ўрганиш керак, Чунки инсондаги барча психик жараёнлар бош мия ва нерв системаси фаолиятининг натижасидир.

Хеч қандай психик процесснинг уз-узича хосил булиши мумкин эмас, психика факат у ёки бу қўзғовчининг мияга таъсири туфайлигина вужудга келади. Психиканинг бошланиши қўзғовчининг таъсири бўлса, унинг охирги натижаси организмнинг қўзғовчига жавобидир. Ҳар қандай психик фаолият миянинг акс эттирувчи, рефлектор фаолиятидангина иборатdir

Маълумки, психика ва онг бирданига пайдо булмаган, балки узок тарихий эволюция натижасида шаклланиб, усib, такомиллашиб борган. Дастрлаб ерда ҳаёт пайдо булганда бир хужайали хайвонлар вужудга келган. Уларга психик процесслардан сесканувчанлик хос булган. Секин – аста узок эволюция натижасида хайвонларнинг такомиллашиб бориши натижасида уларнинг нерв системаси ва бош мияси ҳам усган. Миянинг ривожланиши эса турли психик процессларни вужудга келтирган.

Инсон психикасининг тараққиёти филогинез ва онтогинезни бошидан кечиради. Филогинез шуки, одамзод пайдо булгандан тики ҳозирги давргача авлоддан-авлодга психика такомиллашган ҳолда утган. Масалан, дастрлабки одаминсон маймунлар ёки ибтидоий жамоа тузуми давридаги одамлар билан ҳозирги инсонлар психикаси уртасида бекиёс даражада катта фарк бор. Онтогинез эса бола тугилган кундан тики умрининг охиригача ёшининг ортиб бориши билан психикасининг ҳам усib, ривожланиб боришидир.

Психика ва онг

Купинча биз психика билан онгни бир маънода ишлатамиз. Бу тугри. Чунки психиканинг юксак шакли онг булиб хисобланади. Лекин психика инсонларга ҳам, хайвонларга ҳам хосдир, онг эса факат инсонларга хос хусусиятдир. Шундай экан, хайвон психикаси билан инсон онгини бир-биридан фарк кила билмок керак. Яна шуни қушиш керакки, психика сузи мантиқ жихатдан олганда кенг маъноли, онг эса унга нисбатан тор маъноли тушунчадир.

Инсон онгининг хайвон психикасидан асосий фаркини куйидагиларда куриш мумкин:

- Инсон хайвонлардан фарқ килиб уз фаолиятининг булажак натижасини олдиндан кура олиши мумкин. Бундан ташкари, киши уз ишини олдиндан режалаштиради, уни бажариш учун энг осон йул, усулларни танлайди.
Агар хайвонлар атрофдаги мухитга онгсиз равишда маслашсалар, инсон эса уз эхтиёжини купрок даражада кондириш учун мухитга онгли, режали равишда мослашади. Бу мослашиш меҳнат жараёни оркали булади.
- Инсон шунинг учун уз фаолиятини режалаштирадики, олдиндан кура биладики, чунки у нуткка эгадир. Унинг нуткка эга булиши хайвонлардан ажратиб турувчи иккинчи мухим фаркидир. Доимо бошқалар билан муносабатда булиш, китоб ўқиши, ишлаб чикариш маданияти билан танишиш, техникани эгаллаш туфайли инсон уз онгини бойитиб, устириб боради.
- Инсоннинг хайвонлардан яна бир мухим фарки шуки, у у жамият ичиди, жамоа ичиди яшайди. Жамиятда яшамасдан, жамоа аъзолари билан муносабатда булмасдан туриб инсон шахси шаклланмайди.

Инсоннинг онги меҳнат жараёнида, янги-янги меҳнат куролларини ясаш процессида усиб боради.

Хулоса килганимизда, психология инсон ва хайвонга хос булган психик жараёнларни, уларнинг пайдо булиш йулларини ва ривожланиш хусусиятларини урганадиган фандир. Психика эса бош мия ва нерв системасининг маҳсулидир. У доим усиб, ривожланиб боради. Психиканинг энг юксак шакли онг булиб, у факат инсонларга хосдир. Онг шахсий ва ижтимоий шаклда булади.

Маъruzанинг таянч тушунчалари: психика, психология, билиш, психик жараёнлар, психик холатлар, психик функциялар, психик ходисалар, онг, филогинез, онтогинез.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

- Психологияга таъриф беринг.
- Психика нима? Уни идеалист ва материаллистлар кандай тушунадилар?
- Психиканинг рефлектор табиятини тушунириинг.
- Психика – билиш - онг уртасидаги асосий фаркларни сананг.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида» ги Конуни. Т. 1997 й.
- Фозиев Э. Психология. Т. 1994 й.
- Фозиев Э. Олий мактаб психологияси . 1997 й.
- Умумий психология. А.В. Петровский таҳририда. Т. 1992й.
- Умумий психологиядан хрестоматия. 1991й.
- Платонов. К.К. Кизикарли психология. 1998й.

МАВЗУ : Ҳозирги замон психологияси тузилиши ва унинг принциплари

Режса:

1. *Психология ва бошқа фанлар.*
2. *Психологиянинг тузилиши.*
3. *Психологиянинг илмий текшириши методлари.*
4. *Хуоса.*

XVIII асрга келиб психология фалсафа таркибидан ажралиб чиқди ва мустакил фан даражасига кутарилди. Унинг мустакил булиши тез ривожланишга олиб келди. Натижада XX асрга келиб узининг энг муҳим муаммоларини ишлаб чика бошлади. Ҳозирги даврга келиб психология узининг алоҳида урганиш методларига, узига хос вазифаларига ва уз предметига эга булиб колди. Ҳозирги вақтда психологиянинг ахамияти инсон хакидаги энг муҳим фанлардан бири сифатида хамма ерда тан олинмоқда.

ПСИХОЛОГИЯ ВА ФАЛСАФА.

Психология фалсафадан ажралиб чиккан булсада, улар уртасидаги алока ҳозир хам сакланиб колмоқда. ҳозирги замон илмий психологияси асосида илмий философик тушунчалар, психика миянинг маҳсули, у реал борликни акс эттиради деб тушунтирувчи диалектик материалистик карашлар ётади. Фалсафа ва унинг ажралмас кисми булган билиш назарияси, яъни гносиология психиканинг атрофдаги борликка муносабати масаласини ҳал килади ва психика атрофдаги оламнинг миядаги акси, материя бирламчи, онг иккиламчи деб тушунтиради. Психология турли психик ходисаларни чукур урганиш ва тахлил килиш асосида унинг инсон ҳаёти ва тараққиётидаги ролини тушунтиради, психик жараёнларнинг тараққиёт конунларини очади.

Ҳозирги замон психологик йуналишлари, оқимлари ва мактабларининг илмийлик ва мустакиллик даражаси уларнинг уз предмети ва текшириш методларини асослашда канчалик диалектик – материалистик нуктаи – назарга яқинлашишларига караб белгиланади. Шу нуктаи назардан олганда ҳозирги замон психологиясида кандай холатни куриш мумкин?

ПСИХОЛОГИЯ ВА ТАБИАТ.

Психологиянинг мустакил фанга айланиши унинг табииёт фани билан жуда якндан алоб унатишига олиб келди. Маълумки, бунга XIX асрнинг иккинчи

ярмидаёк, яъни пихологияга эксперимент методининг кириб келиши (Г.Фехнер) ва айникса, 1863 йилда И.М.Сеченовнинг «Бош мия рефлекслари» китобининг майдонга келиши билан асос солинган эди. Китобда психик ходисалар, табиат ходисалари сингари, албатта бирор сабаб туфайли, яъни нерв системасининг рефлектор фаолияти натижасида вужудга келишилиги курсатилган эди.

И.М.Сеченовнинг рефлектор назарияси И.П.Павловнинг шартли рефлекслар хакидаги таълимотида хамда унинг шогирдлари Л.А.Орбели, Л.К.Анохин, К.М.Биков, Н.И.Красногорский асарларида, шу билан бирга, А.А.Ухтомский, Н.А.Бернштейн, И.С.Бериташвили ва бошқаларнинг ишларида янада ривожлантирилди. Уларнинг бу таълимотлари психология фанининг табиий – илмий асоси булиб колди. Ҳозирги пайтда бу таълимот Ўзбекистон Республикаси ва чет эл психологарининг мия фаолиятининг нейрофизиологик механизmlарини чукур урганишлари асосида янада ривожлантирилмоқда.

Психологияни чукур урганиш табиат фанлари (умумий биология, физиология, анатомия кабилар) ни яхши билишни талаб этади. Психологиянинг катор соҳалари, энг аввало солиштирма психология, зоопсихология, этология ва бошқалар уз навбатида табиат фанларининг булимлари хам бклиб хисобланади.

Психология ва техник тараққиёт

XX аср ишлаб чиқаришнинг, техниканинг янги-янги турлари, алоқа воситаларининг жуда тез усганлиги билан, электроника, автоматикадан фойдаланила бошланганлиги, транспортнинг янги, товушдан тез турларини узлаштирилганлиги билан характерланади. Буларнинг хаммаси инсон психикасига жуда катта талаблар куяди. Ҳозирги замон саноати, транспортида ва харбий ишларда психологик факторларни, яъни кишининг имкониятлари, билиш жараёнлари – идроки, хотираси, тафаккурини, шахснинг узига хос хусусиятлари – характеристери, темпераменти, реакцияларининг тезлиги ва бошқаларни хисобга олишга тугри келади. Товушдан тез ҳозирги замон самолётларида, улкан электросистемаларнинг оператив – диспетчерлик участкаларида ишловчи кишилар жуда кичик вақт ичидаги тезк карорга келишига тугри келади, акс холда аварияларга сабаб булиши мумкин. Ана шундай мураккаб шароитда ишлай олиш учун кишиларда имконият бор – йуклигини, уларнинг шу ишга ярокли ёки яроксиз эканлигини аниклашда психология фани олдига мухим талаблар қуйилади. Инженерлар психологияси киши билан техника уртасидаги муносабатни урганувчи фан булиб, у техниканинг купгина соҳалари, бионика, кибернетика билан маҳкам боялангандир. (гомеостат).

Психология ва педагогика

Психология энг аввало педагогика билан якин алокададир. Чунки хар иккала фан инсоннинг шаклланиши билан шуғулланади. К.Д.Ушинский «Узининг ахамияти жихатидан бошқа барча фанларга караганда психология педагогикага жуда якин туради. Инсонни хар томонлама тарбияламок учун, аввало уни хар томонлама урганмок керак», - деган эди.

Илмий – техниканинг тараққиёти мисли курилмаган даражада тезлашган ва психологик тадқикотлар соҳасида катор ютукларга эришилган ҳозирги даврда шахсни хар томонлама ривожлантириш масаласида психологиянинг имкониятлари ва унинг укувчилар таълим-тарбиясидаги иштироки масаласига янгича ёндошишга тугри келмокда.

Илмий техниканинг тараққиёти педагогика олдига биринчи вазифадан келиб чикадиган иккинчи масалани хам кундаланг килиб куймокда. Маълумки, укувчилар узлаштириши лозим булган турли информациялар бекиёс даражада тез усмоқда. Шу билан бирга, уларнинг жуда тез эскиришига ва алмаштириш кераклигига хам тўғри келмокда. Бундан шу нарса аник буладики, эсда олиб колиниши ва сакланиши лозим булган материалларнинг маълум кисмигина ҳозирги замон талабларини кондириши мумкин. Бунда тафаккур сифатларини шакллантириш биринчи уринга чикади, чунки укувчи доимо янгиланиб турадиган информацияларни мустакил равишда узлаштириб оладиган булиши лозим, токи у ўқишини тамомлагандан сунг ҳётда доимо усив бораётган илмий – техника тараққиётидан оркада колмайдиган булсин.

Психология фанининг тузилиши

Ҳозирги замон психологияси жуда хам куп тармокли фан булиб, унинг тармоклари ривожланишининг турли босқичида эканлиги ва ҳаётнинг турли соҳалари билан боғликлиги билан характерланади. Бундай сертартмок булган психологияни кандай классификация килмок керак? Классификация килишнинг энг муҳим шартларидан бири психиканинг фаолият процессида ривожланишига асосланишдан иборатdir. Шундай килиб, психологияни инсон фаолиятининг конкрет турига караб классификация киладиган б булсак, унинг бир канча тармоклари борлигини курамиз.

I. Мехнат психологияси. Бу инсон меҳнат фаолиятининг психологик асосларини, меҳнатни илмий асосда ташкил килишнинг психологик томонларини урганади.

Мехнат психологияси маълум даражада мустакил бўлган, лекин бир-бири билан чамбарчас боғланган турларга булинади:

- 1) Инженерлар психологияси
- 2) Авиация психологияси.
- 3) Космик психологияси.

II. Педагогик психология.

Бу хам уз навбатида бир канча турларга булинади:

- 1) Таълим психологияси. (дидактика ва хусусий методикаларнинг психологик асослари, программалаштирилган таълим, аклий фаолиятларнинг шаклланиши ва бошқалар).
- 2) Тарбия психологияси. (тарбия методикасининг психологик асослари, укувчилар жамоаси психологияси, меҳнат – ахлок тузатиш педагогикасининг психологик асослари).
- 3) Уқитувчи психологияси.
- 4) Акли заиф болалар тарбияси психологияси.

III. Медицина психологияси. Бу шифокор фаолиятининг психологик томонларини ва касал хулкини урганадиган фандир. Бу фан хам уз навбатида куйидагиларга булинади:

- 1) Нейропсихология – бу бош мия нервлари фаолияти асосида вужудга келадиган психологик холатларни урганади.
- 2) Псилофармакология. – бу турли дориларнинг инсон психик фаолиятига таъсирини урганади.
- 3) Психотерапея – бу касалларни даволашда психологик таъсир килишдан фойдаланиш йулларини урганади.
- 4) Психопрофилактика ва психогигиена – бу кишиларни психик томондан соглом булишини таъминлашга оид тадбирлар ишлаб чикиш билан шуғулланади.

IV. Юридик психология. Бу уз навбатида куйидагиларга булинади:

- 1) Суд психологияси.
- 2) Криминал психология.
- 3) Мехнат – тузатиш психологияси.

V. Харбий психология.

VI. Спорт психологияси.

VII. Савдо психологияси.

Бордию, психология соҳаларини классификация килишда психиканинг ривожланишини асос килиб олсан, унда психологиянинг яна куйидаги соҳалари мавжудлигини курамиз:

1. Ёшик психологияси. Бу уз навбатида куйидагиларга булинади:

- a) Болалар психологияси.
- b) Усмирлар психологияси.
- c) Ёшлар психологияси.
- d) Катта кишилар психологияси.
- e) Герантопсихология. (Карилар психологияси).

2. Махсус психология.

- а) Патопсихология – миянинг усиш даврида касалланиши туфайли психикада юз берадиган узгаришларни урганади.
- б) Олегофренопсихология – бу миясида тугма камчилиги бор болалар психикасининг усиш масалалари билан шуғулланади.
- с) Сурдопсихология – карларнинг психик тараққиётини урганади.
- д) Тифлопсихология – курлар ва куриш қобилияти пастларнинг психологик тараққиётини урганади.

3. Солишимирма психология – бу хайвонлар психикаси билан инсон психикасини таккослаб урганадиган фандир. Унинг тармоги зоопсихологиядир.

4. Ижтимоий психология. Бу кишиларнинг жамоадаги узаро муносабати жараёнида вужудга келадиган психологик холатларни урганади. Мода ва эскилил колдикларининг таъсири, турли миш-мишлар таъсирида хосил буладиган жамоатчилик кайфиятини урганиш хам ижтимоий психология вазифасига киради.

Унинг тармоги дин психологиясидир.

5. Шахс психологияси. Бунинг вазифаси шахснинг индивидуал – психологик хусусиятлари: характери, олий нерв фаолияти типи ва темпераменти, қобилиятлари, хулкининг бош мотивлари, касбга қобилияти ва куникмалари кабиларни урганишdir.

Унинг булимларига:

- а) Характерология.
- б) Индивидуал психологик фарклар типологияси
- в) Профессиография (касбга булган қобилияти ва маълум бир касбга ярокли эканлигини урганадиган фандир).

Психологиянинг текшириш методлари.

Психологиянинг илмий текшириш методлари хилма – хилдир. Шу билан бирга, уларни классификация килиш хам турличадир. Биз машхур психолог Б.Г.Ананьев томонидан тавсия килинган методларни санаб утишга харакат киласиз. У текшириш методларини турт гурухга булади:

Тадқикот ишларининг биринчи – ташкилий гурухи уз ичига киёслаш, лонгитют (узлуксиз), комплекс (купёклама) деб аталган турларни олади.

Тадқикот методларининг иккинчи гурхи эмпирик методлардан иборат булиб, унга кузатиш, эксперимент, тест, анкета, сурор, социометрия, сухбат, интервью, фаолият жараёни ва унинг махсулини тахлил килиш, биографик кабилар киради.

Тадқикот методларининг учинчи гурухига статистик (микдор) ва психологик (сифат) методлари кириб, улар олинган натижаларни кайта ишлашга мулжаллангандир.

Илмий тадқикот методларининг туртинчи – шарҳлаш гурухи генетик ва доналаш методларидан иборатдир.

Талабалар билимини текшириш учун саволлар.

1. Психология фани ривожланишининг тарихий босқичларини санаб беринг?
2. Психология кайси фанлар билан хамкорликда иш куради? Нима учун?
3. Психология фанларини классификация килиб беринг?
4. Психологиянинг илмий текшириш методларини санаб беринг?

Адабиётлар:

1. Фозиев. Э. Психология. Т.:1994 йил, 11-31 бетлар.
2. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. Т.:1992 йил, 38-54 бетлар.
3. Воҳидов.М. Психология. Т.:1984 йил, 18-36 бетлар.
4. Умумий психологиядан хрестоматия. М.:1981 йил.

ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАХЛИЛИ

Режса:

1. *Фаолият хакида тушунча*
2. *Фаолиятнинг тузилиши.*
3. *Фаолиятни узлаштириши.*
4. *Фаолиятнинг турлари.*

Хар кандай тирик организмнинг фаоллиги эхтиёжлар натижасида хосил булади ва ана шу эхтиёжларни кондиришга каратилади. Буконуният инсоният оламига хам тегишилдир. Англанган ва англанмаган, табий ва маданий, моддий ва маънавий, шахсий ва шахсий – ижтимоий эхтиёжлар кишида фаолликнинг турли шаклларини вужудга келтиради.

Хайвоннинг хатти – харакати хамма вақт у ёки бу эхтиёжни кондиришга бевосита йуналтирилган булади. Эхтиёж хайвонни фаолликка мажбур килиш билан бирга, шу фаолликнинг шаклини хам белгилайди. Масалан, овкатланиш эхтиёжи /очлик/ хайвонда овкатланиш фаоллигини вужудга келтиради – сулак ажратишга, овкат излаш ёки уни пойлашга, ердан кавлаб олиш ёки ютишга олиб келгади.

Инсоннинг хатти – харакати эса бутунлай бошқача тузилишга эгадир.

ФАОЛИЯТ ХАКИДА ТУШУНЧА

Агар хайвонларнинг хатти – харакати атрофдаги нарсаларнинг таъсири билан белгиланса, кишининг фаоллиги эса энг ёшлик чогидан бошлабок инсониятнинг тажрибаси ва жамият талаби билан бошқарилади. Хатти – харакатнинг ана шу типи алохида хусусиятга эга булиб, психологияда у фаолият деган тушунча билан ифодаланади.

Инсон фаоллигининг узига хос хусусиятлари нимада? Энг аввало унинг фарқ килувчи хусусияти шуки, иш – харакатнинг мазмуни бутунлай эхтиёж билан белгиланмайди. Эхтиёж мотив сифатида иш харакатга туртки берадио, иш – харакатнинг шакли ва мазмуни эса ижтимоий шароит, талаб ва тажрибалар билан белгиланади. Кишини ишлашга мажбур килаётган мотив ундаги овкатга эхтиёж булиши мумкин. Лекин киши, масалан, станокни бошқарар экан, очлигини кондириш учун эмас, унга топширилган детални тайёрлаш учун ишлайди. Унинг иш харакатини мазмуни эхтиёжлар билан эмас, балки жамият ундан талаб килаётган бир маҳсулотни тайёрлаш максади билан белгиланади. Демак, фаолиятнинг биринчи фарқ килувчи белгиси унинг киши томонидан англанганлиги ва маълум максадга йуналтирилганлигидир.

Иккинчидан, фаолият онг ва ирода билан бевосита боғланган булади. Чунки онгиз ёки иродавий жараёнларсиз хеч кандай фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас. Демак, фаолият англанган максад билан бошқариладиган кишининг ички /психик/ ва ташки /жисмоний/ фаоллигидир.

Шундай килиб, фаолият хакида гапириш учун аввало киши фаоллигининг максади канчалик англанганлигини аниклаш зарурдир.

Фаолият – бу борликка нисбатан фаол муносабатнинг шаклидир, у оркали инсон билан борлик уртасида аюла урнатилади. Фаолият оркали киши табиатга, нарсаларга, бошқа кишиларга таъсир килади. Ана шу харакатларда киши узининг ички моҳиятини очиб, атрофдаги нарсаларга нисбатан субъект, одамларга нисбатан шахс ролини бажаради. У нарсаларнинг жавоб таъсирини бошдан кечириш оркали эса кишилар нарсалар, табиат ва жамиятнинг хакикий, объектив, ички моҳиятини билиб олади.

Хар бир оддий ишни бажаришга каратилган ва фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи иш – харакат деб айтилади. Бу келтирилган мисолимиз

предметли иш – харакатлардир. Чунки у ташки оламдаги у ёки бу предметнинг холатини ёки хусусиятини узгартиришга каратилган булади.

Хар кандай предметли иш – харакат бир канча харакатлардан ташкил топади.

Бирор фаолиятни бажаришдаги барча харакатлар киши томонидан назорат килиниб тузатилиб борилади. Назорат килиш ва холатларни тузатиш қобилиятидан маҳрум булган касаллар хатто энг оддий иш-харакатни хам мувоффакиятли бажара олмайди. Улар стаканни столдан олишда, оғизга олиб келишда хатоларга йул күядилар.

Назорат кандай йул билан амалга оширилади? Бу сезги органлари /куриш, эшитиш, мускул сезги ва бошқалар/ оркали амалга оширилади. Чунки хар бир иш – харакатни бажараётганимизда барча харакатларимизни кузимиз оркали ёки эшитиш сезгимиз оркали текшириб турамиз.

Албатта, харакатни бошқариш ва назорат килишда бош мия хам катта роль уйнайди. Хар кандай харакат узининг охирида оладиган натижасининг максадига караб бошқарилади ва назорат килинади. Бажарилган характнинг натижалари унинг максади нуктаи назаридан баҳоланади ва тузатилади. Хар кандай иш харакатни бажаришдан олдин унинг модели мияда тайёр булади, ана шу моделга караб у бошқарилади, олинган натижа моделга караб баҳоланади.

Ташки реал иш – харакатдан ички холатга утишдаги бундай жараён **ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ** /ички холатга утиш/ дейилади. Худди шу каби ташки предметли фаолиятни ички психик фаолиятнинг экстериоризацияси натижаси деб карашимиз мумкин.

Малакалар бирон иш – харакатнинг мустахкамланган ва автоматлашган йул ва усувлари булиб, бу йул ва усувлар, одатда мураккаб онгли фаолиятни бажаришда кулланади.

Малакалар автоматлашган харакатлар сифатида ўқиши жараёнида хам, инсон фаолиятининг барча турларида хам катта ахамиятга эгадир. Малакалар маҳсус зур беришсиз хамда онгли харакатларга нисбатан тез содир булиши туфайли, фаолиятнинг айрим турлари ва мураккаб куникмарларнинг амалга оширилишини енгиллаштиради.

Машк - куникма хамда керакли усул ва харакатларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш максадида уларни куп марта тақрорлашдир. Машк жараёнида харакатлар факат мустахкамланибина колмай, балки узгаради ва аниқ, тез хамда пухта бажариладиган булади.

Машклар жараёнида кишининг ихтиёрий диққати бутун ишга хам, унинг айрим томонларига хам каратилган булади. Бунда харакатларнинг тугри бажарилётганилиги, асосан, куз билан назорат килинади.

МАЛАКАЛАР ХОСИЛ БУЛИШИГА ХОС КОНУНИЯТЛАР.

Малакалар хосил булишига оид бир неча конуниятлар мавжуддир. Буларнинг энг асосийлари куйидагилар:

1. Малакалар хосил булиш жараёнидаги нотекислик. Малакалар хосил булишида ижобий ютуклар билан бир каторда, баъзан хато, нотугри харакатларга хам йул куйилади. Ижобий ютукларнинг узиши бир текисда булмаслиги мумкин, яъни маълум бир даражада анча вақт тухтаб, бирдан кутарилиб кетиб ва яна вақтинча

пасайиши мумкин. Хар бир такрордан сунг, хатолар сонининг озайиши хам шундай нотекис булади.

2. Малакаларнинг кучиши ва тормозланиши.

Бизда малакалар сони канчалик куп булса, янгиларини хосил килиш шунчалик осон булади. Чунки илгари хосил килинган малакалар янгисини узлаштиришга кучли таъсир килади. Илгари мустахкамланган малакаларнинг янгисини хосил килишга ижобий таъсир курсатиши малакаларнинг кучиши деб айтилади. Масалан, бир музыка асбобида чалишни билган киши бошқа музыка асбобида чалишни анча осон узлаштиради ёки бир нечта чет тилини билган киши навбатдагисини анча осон билиб олади.

Мустахкамланиб кетган малакалар янги малакалар хосил килишга салбий ёки тормозланувчи таъсир курсатиши хам мумкин.

3. Малаканинг юксалиши ва пасайиши.

Малакалар юксалиш ва пасайиб кетиш хусусиятига хам эгадир. Агар малакалар тақрорланиб, машқ килиниб турмушда қулланиб бораверса у доим юксалаверади. Бордию малакалар анча вақт тақрорланмаса, улар ескин пасайиб кетиши мумкин..

Фаолият турлари:

1. Уйин фаолияти.
2. Ўқиши фаолияти.
3. Мехнат фаолияти

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун тестлар:

1. Фаолият нима:

- А) билишга булган эхтиёж ва шу асосда шаклланган мотивлар;
- Б) максадларимиз мазмуни ва уни бажариш усули;
- В) шахснинг онгига, хулк-атворида содир буладиган узгаришлар;
- Г) одамнинг ташки (жисмоний) ва ички (психик) фаоллиги.

2. Куникма – бу:

- А) фаолиятда фаоллик курсатиш;
- Б) фаолиятдаги иш харакатларни узлаштириш жараёни;
- В) кайта-кайта килинадиган амалий иш;
- Г) иш-харакатлар йигиндиси.

3. Малака – бу:

- А) иш-харакатларни узлаштириш жараёни;
- Б) иш-харакатларни машқ килиш натижасида автоматлашиб кетиши;
- В) шахс фаолиятининг эхтиёжи;
- Г) иш-харакатларни бажариш усуллари.

4. Куникма ва малакаларнинг шаклланиш конуни:

- А) пластиклик конуни;
- Б) нотакислик конуни;
- В) юксалиш, тормозланиш, пасайиш конуни;
- Г) интеграция конуни.

Мавзунинг таянч тушунчалари: харакат, иш-харакат, фаолият, куникма, малака, одат,интериоризация, экстериоризация, уйин, ўқиши, мехнат.

АДАБИЁТЛАР

1. Умумий психология А.В.Петровский таҳрири остида. Т. «Уқитувчи» 1992. 97-134 бетлар.
2. Асмонов А.Г. Деятельность и установка. МДУ нашриёти. 1991.
3. Леонтьев А.И. Деятельность. Сознание. Личность. М. 1975.
4. Элькони Д.Б. Психология игрқ. М. 1972.
5. Иванов П.И. Умумий психология. Т. «Уқитувчи» 1974.

МАВЗУ: ПСИХИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

- РЕЖА:*
1. Психика материя эволюциясининг натижаси эканлиги.
 2. Психиканинг тараққиёт босқичлари.
 3. Хайвонларнинг инстинктлари, ўрганган ва «аклий» хатти-хараклари.
 4. Хайвонларнинг ўзаро алокаси ва «тили».
 5. Одам психикаси ва онигнинг филогинез ва онтогинездаги тараққиёти.

Инсон психикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи тадқикотчилар олдида турган энг долзарб ва мураккаб масалалардан биридир. Илмий-материалистик таълимотга кўра психиканинг пайдо бўлиши материянинг ўзок ривожланиши натижасидир.

Органик ва анорганик материя доимо харакатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади.

Хайвонлар психикасининг тараққиёти масаласи билан атокли рус психологи А.И.Леонтьев, зоопсихологлар К.Э.Фабри ва А.И.Северцов шуғулланганлар. К.Э.Фабри энг содда хайвонлар психикаси тараққиётини икки босқичга – куйи ва юкори босқичга булади. Психик тараққиётнинг куйи босқичи бир хужайрали, кисман куп хужайрали хайвонларга хос булиб, бу босқичда психика примитив холатда булади ва хайвон ташки таъсирларга секанувчанлик билангина жавоб беради. Ўсимлик ва хайвон шаклидаги барча тирик организмлар ўз эволюциясининг хамма босқичларида акс эттиришнинг биологик шакли сесканувчанликка эга бўлади. Сесканувчанлик тирик организмнинг биологик таъсирларга жавоб бериш қобилиятидир.

Оддий сесканувчанликни бир хўжайрали хайвонларда хам кўриш мумкин. Улар мухитнинг таъсирига харакатланиш билан жавоб берадилар. Биологик таъсирларга организмнинг ўзига хос харакатлари билан жавоб бериш усулига тропизм ёки таксис дейилади. Тропизмнинг бир канча тури фарқ килинади. Буни куйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Тропизм турлари

Фототропизм	Тапотропизм
Термопропизм	Гелеотропизм
Хемотропизм	Баротропизм
Гидротропизм	

Кўпхужайрали хайвонларда кузгалувчанликнинг янги шакли -- сезувчанлик мавжуддир. А. А. Леонтьевнинг гипотезасига кура сезувчанлик генетик жихатдан олганда сесканувчанликнинг узидир. У хам мухитнинг ташки таъсирларига жавоб бериш асосида вужудга келади. Факат сезувчанлик сесканувчанликка нисбатан юкорирок босқичдир.

К.Э.Фабри фикрича, психик тараққиётнинг иккинчи босқичи куп хужайрали хайвонларга хосдир. Куп хужайрали хайвонларда акс эттириш бир мунча юкори булади. Бундай хайвонларга кавакичлилар (гидра, медуза) ни киритиш мумкин. Улар хам бир хужайрали хайвонлар каби сувда яшайди. Лекин кавакичлилар узининг тузилиши жихатдан бир хужайрали хайвонлардан анча мураккабдир. Уларнинг мураккаблиги хужайраларнинг бир- биридан фарқ килганлигидадир: танасининг ташки кисмидаги хужайралар коплагич, ички хужайралар эса хазм килувчи булади.

Эвалюция занжирининг юкорирок погонасида турган куп хужайрали хайвонларда тана тузулиши хам анча мураккаблашади, ер шароитига мос узгаришлар юз беради, турли таассуротларни акс эттирадиган сезги органлари вжудга келади, акс эттириш хам мураккаблашади.

Тугунли нерв системасига эга булган хайвонларда акс эттириш факат шартсиз рефлекслар оркалигина булмайди, балки ҳаёт давомида таъсирланишнинг тутма турига нисбатан анча янги, серхаракат шакли – шартли рефлекслар хосил бўлади.

Тугунсимон нерв системасининг мураккаброк шакллари атрофни акс эттириш имкониятини оширади. Анча мураккаб тугунсимон нерв системасига эга булганлардан ўргимчаксимонлар ва хашоратларни олиш мумкин. Уларнинг организми анча мураккаб тузилишга эга. Хайвонларнинг эволюцияси натижасида уларнинг рецепторида ажралиш (специализация) юз бера бошлайди. Масалан, кискичбаканинг узун мойлови – туйгу органи, калталари хид билувчи органлардир.

Асаларида яна хам мураккаброк инстинктларни қўрамиз. Маълумки бир асалари уясида тухум қўядиган катта она ари, бир нечта эркак ари ва жуда кўп ишчи арилар бўлади. Энг мураккаб киликлар ишчи ариларда бўлади. Улар ёши ўзгара бориши билан оиласда турли ишларни бажаради: уй тозалайди, личинкаларни овкатлантиради, уй куради, овкат йигади, эшик олдида коровуллик килади.

Ёш хайвонлар инстинктив харакатларини кузатганимизда уларнинг хати-харакатлари хеч кандай ургатишсиз юз беришини, яъни ота- боболарининг харакатларини уз- узидан такрорлаб кетаверишини курамиз. Лекин ёшларнинг харакатлари каттлариникига нисбатан бир мунча ёмонрок булади. Наслдан утган харакатлар программасини аник бажариш асосида ва тажрибанинг ортиши туфайли инстинктлар ўсиб боради.

Харакатларнинг инстинктив шакли факат бугимоёклиларда эмас, балки барча умирткали хайвонларда (балик, анфбия, куш ва хашоратларда) куриш мумкин. Уларда жинсий, овкатланиш, химояланиш инстинктлари куплаб учрайди.

Шундай килиб хайвонларнинг инстинктив харакатларини 4 гурухга булиш мумкин:

Овкатланиш инстинкти – хайвонларнинг уз ва боласи учун овкат кидириб топиш, овкат гамлаш харакатлари.

Химояланиш инстинкти - хайвоннинг уз ҳаётини ва омонлигини саклаш харакатларида ифодаланиб, у икки куриниша содир булиши мумкин. Биринчиси, душманга хужум килиш, иккинчиси, узини химоя килиш. Хар бир хайвон узини душмандан саклаш учун бирор органидан (шохлари, туёклари, тиш-тирноклари, тиконлари каби) ёки захарли суюклиқдан фойдаланади. Масалан, африка кобраси уз захарини 3,5 м масофага ота олади.

Насл колдириш инстинкти. Бу ота-оналик инстинкти сифатида куриниб насл-авлод учун гамхурлик килиш, уни маълум вақтгача овкат билан таъмин этиш, хав-хатардан саклаш, уз болаларини парвариш килиш тугма маҳоратига эга булиб, уз наслининг келажаги хакида гамхурлик килади.

Туда булиб яшаш инстинкти. Бу инстинкт хайвонларининг турли усуллар билан узаро алока килишида, хилма-хил шаклда биргаллашиб, тудалашиб, пода булиб, гала булиб яшашларида зохир булади.

Юкори даражадаги хайвонларда биринчи уринда янги, бир мунча пластик, яъни шароитга караб узгара оладиган хатти-харакатлар чикади. Улар оламни анча кенг акс эттириш имкониятини беради. Хайвонлар тараққиётининг канчалик юкори босқичида турса улар турли муввакат бoggанишларни шунчалик тез хосил киладилар.

Оlamни акс эттиришнинг бундан кейнги босқичи индивидуал ҳаёт тажрибалари асосида хосил килинган бир мунча мураккаб, шу билан бирга, пластик харакатлар туфайли булади. Индивидал пластик харакатлар учун мухитни, шу пайтдаги шароитни анализ ва сентиз килиш хосдир.

Айникса сут эмузувчилар шароитни анча яхши тахлил кила оладилар ва узгарган мухитга уз харакатларини мослаштира оладилар. Юкори даражадаги хайвонларда инстинктив харакат билан бир каторда тез узгарувчан индивидуал харакатлар – малакалар ва фахм билан алокадор харакатлар хам мавжуд булади.

Б. Келлер маймуннинг харакатларини батафсил кузатиб «Юкори даражада ташкил топган хайвонлар шароитни анализ килиш асосида фахм билан алокадор харакатлар кила олади» деган хulosага келган. Кейинчалик америка психологи Иеркс, австрия психологи К.Бюлер, голландиялик психолог Бойтендайк хам маймунлар билан тажрибалар утказиб юкоридаги фикрни тасдикладилар.

Хайвонлардаги фахм билан алокадор харакатларни урганиш масаласи билан рус олимлари хам шугуулланган. Бу ишни дастлаб зоопсихолог-дарвинист олим В.А.Вагнер бошлаб берган эди. Кейинчалик эса И.П.Павлов, Н.Н.Ладигина-Котс, Н.Ю.Войтонис, Г.З.Рогинский, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев каби олимлар бу ишни давом эттиридилар. Айникса Ладигина-Котснинг шимпанзе боласи билан психикасининг ривожланиши устида утказган тадқикотлари бутун жаҳонга машхурдир.

Рус олимларининг каламушлар, товуклар, карга, ит ва маймунлар устида олиб борган тадқикотлари хайвонларда психиканинг ривожланиш босқичлари, уларда куникмалар хосил булиши ва фахм билан алокадор харакатлар кила олишини билишда жуда катта ахамиятга эга булади.

Одамсимон маймунлар куплаб фахм билан алокадор харакатлар кила олишда бошқа хайвонлар ичида алохидар уринда туради. Масалан, одамсимон маймунларнинг бир тури приматлар бошқа сут эмизувчи хайвонларга караганда факат овкат манбаларинигина эмас, балки хамма турдаги нарсаларни тимирскилаб, текшириб куришга жуда устадир. Бундай кизикишни И.П.Павлов «саботли», «бегараз кизикувчанлик», «синчковлик импульси» деб атаган эди.

Маймундаги ана шу хусусият, бунинг устига уларда кузнинг юксак даражада тараккий килганлиги уларнинг идрок доираларини бекиёс равишда кенгайтиради, тажриба бойликларини нихояда ошириб юборади ва куникмаларнинг таркиб топишида, мураккаб харакат шаклларининг вужудга келишида бошқа хайвонларга караганда унга кенг имкониятлар яратади.

Бошқа хайвонларга караганда маймунларда текшириш рефлексининг кучлилиги улардаги кул типидаги оёкнинг мавжудлигидир. Чунки улар «кул» ёрдамида теварак-атрофдаги нарсалар билан жуда мураккаб муносабатларга киришиш имкониятига эгадир. Шунинг учун уларда бошқа хайвонларда булмаган вақтли боғланишлар куплаб хосил булади.

Хайвонлар хам узаро муносабатда буладилар ва бир-бирини тушунадилар. Хатто ганглиоз нерв системасига эга булган хайвонлар хам катта-катта галага уюшиб ҳаёт кечиради.

Чумолиларнинг тили янада мураккабдир. Олимларнинг утказган тадқикотларидан маълум булишича, чумолилар бир-бирини жуда яхши тушунар экан. Бунда улар топган улжаси, хавф – хатар ва бошқа куп эҳтиёжлари хакида бир-бирини хабардор киласиди.

Хуш, улар кандай килиб гаплашади? Купчилик олимлар чумолиларнинг узаро аюка киладиган асосий тили – кимёвий тил булса керак, дейишади. Чумолилар кайси томонга юришини, хавф-хатарни ва бошқа сигналларни хидли модда чиқариш билан маълум киласиди. Кимёвий сигналлар чумолиларнинг бир-бири билан аюка килиш йулларидан бири холос. Умуман олганда, бу хашоратларнинг «нутки ва аюка воситалари хилма-хил».

Ганлиоз нерв системасига эга булган хайвонларнинг турли киёфада туришлари, товуш сигналлари, хид таркатишлари, хар хил усулда сўйкалишлари уларда тил вазифасини утайди.

Хашоратларнинг тудадаги ялпи хатти –харакатлари максадга мувофиқлиги ва уйгунилиги билан кузатувчини хайратда колдиради. Лекин уларнинг бу харакатлари негизида ахборот олувчи хайвонларнинг бир хилдаги реакциялари ётади. Уларнинг реакцияларида заррача хам англаш, ахборотларни кайта ишлаш холлаларини мутлако учратмаймиз.

Хайвонлар тили канчалик мураккаб ва хилма-хил булмасин, улар бир-бирини канчалик яхши тушунмасин, хайвонлар «тили» да битта энг мухим нарса етишмайди, у хам булса хайвонлар тили тажриба алмасиши ва уз тажрибасини кейинги авлодга мерос килиб бериш воситаси була олмайди. Ана шуниси балан хайвонлар тили инсонлар тилидан тубдан фарқ киласиди.

Юкоридагилардан куриниб турибдик, психиканинг тараққиёти нерв системасининг тараққиёти билан чамбарчас боғлик экан. Одамнинг нерв системаси

эса бош мия ва унинг кобик кисми шаклланганлиги билан белгиланади ва унда психиканинг энг юксак куриниши – онгнинг пайдо булганлигини курсатади.

Инсон психикаси хайвон психикасидан узининг куйидаги хусусиятлари билан фарқ килади:

1. Инсон узи англаган заруратга кура онгли хатти-харакат килиш қобилиятига эга.

2. Одамнинг хайвондан иккинчи фарки унинг куролларни яратишга ва саклашга лаёкатли эканлигидир. Хайвонлар хам курол ясами мумкин, лекин улар куролни одамлар сингари биргалашиб, жамоа булиб ясамайди.

3. Инсон психик фаолиятининг ажралиб турадиган учинчи белгиси ижтимоий тажрибанинг биридан иккинчисига утказилиб туришидир.

4. Хис-туйгулардаги тафовут хайвон билан инсон уртасидаги туртинчи жуда муҳим тафовут булиб хисобланади. Хис-туйгу иккисида хам бор. Факат инсон бошқа кишининг гам-гуссасини ва кувончини биргаликда баҳам кура олади, фактада одамгина табиат манзараларидан завкланди.

5. Инсон психикасининг хайвон психикасидан энг муҳим фарки уларнинг ривожланиш шарт-шароитларида куринади. Агар хайвонлар психакасининг усииши биологик конунлар асосида руй берса. Инсон тажрибани узлаштирумасдан, узига ухшаганлар билан мулокотда булмасдан туриб унинг онги ривожланмайди. Масалан, Амола ва Камола. Шундай экан, инсон ижтимоий муносабатлар маҳсулидир.

Мавзу буйича таянч тушунчалар: сесканувчанлик, тропизм сезувчанлик, инстинкт, хайвонлар куникмаси, интеллектуал хулқ, онгисизлик, онг, зоопсихология

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун тестлар:

1. Психиканинг филогинездаги тараққиётга хос хусусиятлар:

- А) тропизм, инстинкт, куникма, интеллектуал харакат;
 - Б) уйин, ўқиши, меҳнат жараёни;
 - В) организмнинг ёргулар ва иссиқлик таъсиридаги харакати;
 - Г) ижтимоий муҳитнинг кулаги
2. Тропизм бу:
- А) ташки дунёни сезгилар ёрдамида акс эттириш;
 - Б) тугма хатти-харакатлар тизими;
 - В) биотик таъсиrlарга маҳсус харакатлар ёрдамида реакция бериш;
 - Г) организмнинг онг ёрдамида бошқаралиши
3. Инстинкт бу:
- А) биотик омилларга организмнинг жавоби;
 - Б) организмнинг кузловчилар таъсирига берилиши;
 - В) наслдан-наслга утадиган онгизиҳаракатлар тизими;
 - Г) харакатларнинг максадга мувофиқлиги
4. Инсон ва хайвоннинг асосий фарки нимада?
- А) характер хислатларида;
 - Б) сезги ва идрокда;
 - В) нутқ, тил, тафаккурда;
 - Г) организмининг тузилишида.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Оллох калбимизда, юрагимизда. Т., 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т., 1999.
3. Виготский Л.С. Проблемқ развития психики. Педагогика 1983.
4. Виготский Л.С. Поведения животнқх и человека. 1960.
5. Воронин ва бошк. Физиология вқсшей нервной деятельности и и психология. М., 1984.
6. Гоноболин Ф.Н. Психология. Уқитувчи. 1976.
7. Леонтьев А.Н. Проблемқ развития психики. МДУ нашриёти. 1972.
8. Павлов И.П. 20 летний опқт объективного изучения вқсшей нервной деятельности животнқх. Асарлар, 2-том, 1951.
9. Павловские средқ. 2-том, 1953.
- 10.Рахмонова М. Психология курсида курсатмалилик. Т., 1981.
- 11.Тих Н.А. Предистория общества. МГУ. 1976.
- 12.Умумий психология. Петровский таҳририда. Т., 1992.
- 13.Хрестоматия по общей психологии. М. 1988.
- 14.«Фан ва турмуш» журнали. 7-сон. 1966 йил. 24-26-бетлар.
- 15.«Фан ва турмуш» журнали. 10-сон. 1966 йил. 12-14-бетлар.
- 16.«Фан ва турмуш» журнали. 4-сон. 1972 йил. 24-26-бетлар.

МАВЗУ: МОТИВАЦИЯ ВА ҲИС-ТҮЙГУЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

- РЕЖА:*
1. Мотивация соҳаларининг умумий тузилиши.
 2. Мотивацияни урганишига оид асосий ёндашувлар.
 - 3.Ҳис-туйгулар ва уларнинг физиологик механизмлари.
 4. Эмоционал холатларнинг хилма-хиллиги.

Киши идрок этиш, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараёнида факат вокеликни билиб колмай, балки ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга муносабат билдиради, унда уларга нисбатан ижобий ёки салбий ҳис-туйгу уйгонади. Мамнун булиш, суюниш, газабланиш кабилар ҳис-туйгуларнинг қуринишлариdir. Ҳис-туйгулар кишининг уз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машгул булаётганига нисбатан узича турли хил шаклда билдирадиган ички муносабатидир. Ҳис-туйгулар узининг кечишига кура узгариб турадиган психик жараёндир.

Ҳис-туйгуларни бошдан кечиришнинг турли шакллари- эмоция, аффект, кайфият, кучли хаяジョンланиш /стресс/, эхтирос қуринишларига эга булади.Ҳис-туйгулар шахснинг эмоционал соҳасини ташкил этади.

Кишида ҳис-туйгулар унинг эхтиёjlари кондирилиши жараёни кандай кечайтганлиги белгиси сифатида намоён булади.

Барча психик жараёнлар каби эмоционал холатлар, ҳис-туйгуларнинг кечиши хам мия фаолиятининг натижаси булиб ҳисобланади. Эмоциянинг пайдо булиши ташки оламда руй берадиган узгаришлардан бошланади. Бу узгаришлар киши ҳаёти ва фаолиятининг жонланишига ёки пасайишига, бир хил эхтиёjlарнинг пайдо

булишига ёки йуқолишига, киши организми ичида юз берадиган жараёнлардаги узгаришларга олиб боради. Хис-туйгулар кечишига оид физиологик жараёнлар хам мураккаб шартсиз ва шартли рефлекслар билан боғлиқдир.

«Хиссиёт» / «эмоция»/ ва «хис-туйгу» деган сузлар купинча синонимлар сифатида кулланилади. Торрок маънода олганда, бу кандайдир бироз доимийрок хис-туйгуларнинг бевосита ва вақтинча бошдан кечирилишдан иборатдир. «Эмоция» сузи руҳий хаяжонланиш, руҳий характерланиш деган маънони беради.

Эмоциялар стеник ва астеник турларга булинади. Стеник хислар кишининг гайратлантирса, астеник хислар эса унинг фаолиятини сусайтириб юборади.

Кишини тез чулгаб оладиган ва шиддат билан утиб кетадиган хис-туйгу аффект /хиссий портлаш/ деб айтилади. Бу пайтда киши онг билан ишлай олмайди, узини бошқара олмайди, назорат кескин сусайиб кетади, ирода узига буйсунмайди.

Кайфиятлар унча кучли булмаган, лекин узок вақт давом этадиган баркарор хисдир. Кайфият шоду-хуррамлик ёки кайгули, тетиклик ёки ланжлик, хаяжонли ёки маюслик, жиддий ёки енгилтаклик, жizzакилик ёки мулойимлик кабилар тарзида кечади.

Стресс – кучли хиссий зурикишдан иборат жараён. Хиссий зурикиш хавф-хатар тугилган, киши хафа булган, уялган, тахлика остида колган вазиятларда руй беради.

Эхтирослар деб киши хатти-харакатлари йуналишини белгилайдиган, баркарор, чукур ва кучли хисларга айтилади. Масалан, рассомликка, мусикага эхтирос, бедана уриштириш кабиларга эхтирос.

Хис-туйгулар хайвонларга хам хос. Лекин инсоннинг хис-туйгулари уз мазмуни ва кечишига кура хайвоннидан тубдан фарқ килади. Масалан, жирканиш, фахрланиш, хасад килиш, шоду-хуррамлик, зерикиш, хурмат килиш, бурчни хис этиш кабилар факат инсонга хос булади.

Интеллектуал / аклий / хис-туйгуларга билишга кизикиш, ажабланиш, шубхаланиш, таажжубланиш, ишонч каби хислар киради. Буларнинг барчаси ижобий характерга эга булиб кишини билишга, урганишга, иштиёқ билан ишлашга ундайди.

Маънавий хис-туйгуларга дустлик-уртоклик, Ватанга мухаббат, инсонпарварлик, хамдардлик, содиклик, уялиш, меҳнатни севиш каби хис-туйгулар киради. Бизнинг ахлокий етуклигимиз, тарбияланганлигимиз ана шу хислар оркали белгиланади.

Эстетик хис-туйгуларга бизнинг гузал, чиройли, ёкимли нарсалардан завкланишимиз, шодланишимиз, хузур килишимиз, роҳатланишимиз кабилар киради. Бу хисларнинг манбаи гузал табиат, санъат, адабиёт, чиройли турмуш кабилар булиши мумкин.

Интеллектуал, маънавий, эстетик туйгуларни фаолият ва муомала жараёнида бошдан кечирамиз. Социал вокеликка нисбатан бутун хиссий муносабатлар бойлигини ифодалагани учун уларни юксак хис-туйгулар деб хам айтамиз.

Мавзунинг таянч тушунчалари: хис-туйгу, эмоция, хиссий тон, стеник хис, астеник хис, аффект, рухланиш, стресс, кайфият, праксик хис, интеллектуал хис, эстетик хис, маънавий хис, юксак хис, хиссиёт.

Мавзу бўйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Ҳиссиёт деб нимага айтилади ва унинг ҳосил бўлиш манбалари?
2. Эмоционал ҳислар ва унинг турлари қайсилар?
3. Аффект нима ва кандай қилиб унинг олди олинади?
4. Юксак ҳислар қайсилар?

Адабиётлар:

1. И.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» Т. 1999 й.
2. А.В.Петровский таҳрири остида «Умумий психология» Т. 1992 й.
3. Ф.Н.Гоноболин «Психология» Т. 1976 й.

МАВЗУ: ИРОДА ПСИХОЛОГИЯСИ

Режса:

1. Иродавий ъаракатлар, ирода акти ва унинг тузилиши.
2. Шахснинг иродавий тузилиши.
3. Ирода сифатлари ва уни тарбиялаш.

Ирода инсонгагина хос мухим ҳусусият булиб, у шахснинг турли-туман фаолиятларида намоён булади. Ирода инсон фаоллигининг мухим томонини ташкил этади.

Одам теварак-атрофдаги оламни уз сезги, идроклари ёрдамида билиб, урганибина колмай, уни уз эхтиёжлари, заруриятларига мослаб узгартиради хам. У уз акл-идроқи ёрдамида зарур натижани кулга критиш учун качон, каерда ва кандай куч –гайрат сарф этиш зарурлиги, иш фаолиятини кандай ташкил этиш кераклигини белгилайди. Куп холларда мураккаб ҳатти-харакатлар натижасидагина тегишли ютуқ кулга критилади. Бундай харакат давомида объектив ва субъектив кийинчиликларни енгиги тутшишга тугри келади.

Куч-гайратни вужудга келтириш, канча вақт куч-гайрат зарур булса, уни ушанча вақт саклаб туриш учун кишига ирода керак. Ирода киши онгининг шундай бир соҳасики, бу оркали одам уз ишига фаол кришади ва уни мувофиқлаштириб боради. Ирода туфайли киши уз шахсий ташаббуси билан, онгли заруратдан келиб чиккан холда, олдиндан режага солинган йуналишда ва олдиндан назарда тутилган куч-гайрат билан тегишли иш харакатларни бажариши мумкин. Бундан ташкари, одам уз психик фаолиятини тегишли равишда уюштириш хамда уни муайян бир мазмунга йуналтириши хам мумкин..

Одам узидаги эмоционал холатни сиртига чикармасликка, ташки томондан билинтирмасликка харакат килиши, гоҳо ташки томондан мутлако бунинг акси булган холатларни ифода этиши хам мумкин. Хуллас, ирода, бир томондан, одам ҳатти-харакатини йуналишга солади ёки уни бирор харакатдан саклаб колади,

иккинчи томондан, мавжуд вазифа ва талаблардан келиб чиккан холда кишининг психик фаолиятини уюштиради.

ШАХС ВА ИРОДАВИЙ ХАРАКАТЛАР.

Одамнинг иродавий харакатлари уз олдига куйган максадларини, турли-туман юмушларини шунчаки бажаришдангина иборат эмас. Балки иродавий харакат узига хос хусусиятга эгадир. Бунинг маъноси шуки, одам уз олдида турган ва унинг учун жуда катта ахамиятга эга булган максадларга узи учун унчалик ахамиятли булмаган бошқа хатти-харакат мотивларини буйсундиради.

Ирода кишининг уз хатти-харакатларини онгли равишда бошқаришни, бир катор интилиш ва истакларни тийиб туришни такоза этади. Иродавий харакат шундан иборатки, бундан одам узини-узи идора килади, узини-узи кулга олади, уз хис-туйгуларини назорат килиб туради ва керак булиб колган пайтларда уларни боса олади. Ироданинг намоён булиши иш-харакатларда онгнинг иштирок килиши билан боғлик булган шахс фаоллигидир.

Иродавий фаолият шахс томонидан кенг микёсда англашган ва психик жараёнларни амалга ошириш характери жихатидан иродавий зур беришни талаб киладиган бир катор ишларни такоза килади.

Купинча иродавий фаолият одамнинг ҳаёт йулинни аниклайдиган, унинг ижтимоий киёфасини курсатадиган карорларга келиш билан боғлик булади. Бунда бурч хисси, Ватан ва халқ олдидағи бурчини аник англаш намоён булади. Буларга мисол килиб Улуг Ватан уруши давридаги кишиларимизнинг каҳрамонликларини курсатишимиз мумкин.

ИРОДАВИЙ ХАРАКАТЛАРНИНГ НЕРВ-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Иродавий фаолият турли-туман харакатлар натижасида амалга оширилади. Харакатлар эса суяк-мускул системасининг фаолияти туфайли вужудга келади. Маълумки, инсонда турли харакатларни вужудга келтирадиган 600 дан ортик катта ва кичик мускуллар мавжуддир. Бу мускулларнинг харакати алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажралган холда эмас, балки уларнинг биргаликдаги фаолияти туфайли хосил булади. Инсоннинг исталган бир харакатида бир гурух мускуллар албатта иштирок этади. Бош мия ярим шарларида харакатларни бошқарувчи маҳсус участка бор. Бу ердан танамизнинг барча кисмларига нерв толалари кетган булади. Бу марказ тескари алока усулида ишлайди ва харакатларимизни бошқариб, тартибга солиб туради. Бордию харакат маркази ишдан чикса, одамнинг харакатлари хам бир-бири билан уйгунлашмайди, издан чикади, килмокчи булган иш-харакатларни одам тугри бажара олмайди. Буни спиртли ичимлик истеъмол килган киши харакатида куриш мумкин.

Ироданинг нерв-физиологик механизми сифатида бош мия катта ярим шарлари пустининг шартли рефлекслар хосил килишдан иборат булган фаолиятини хам курсатиш мумкин.

Демак, иродавий харакатларнинг механизмини бош миядаги харакат маркази фаолияти, суяк-мускул сиситемасининг фаолияти, шартли рефлекслар ва иккинчи сигналлар системаси ташкил этади.

ИРОДА АКТИ ВА УНИНГ СТРУКТУРАСИ.

Иродавий харакатларнинг дастлабки бошлангич нуктаси харакат максадининг вужудга келиши ва шу максаднинг уртага куйилишидир.

Максад - кишининг шу пайтда керакли ва зарур деб топган иш- харакатларини тасаввур этиши демакдир.

Максадни тасаввур килиш одатда, шу максадга эришиш, истак-орзуни амалга ошириш йулидаги интилишга boglik булади. Масалан, киши кийин ахволга тушиб колса, шу ахволдан бир амаллаб кутилишини уз олдига максад килиб куяди. Киши шу вазиятни маълум даражада узгартириш, бир нимага бархам бериш, бир нима кушиш ва шу каби максадларни уз олдига максад килиб куяди.

Хатти-харакатни максад килиб куйиш кишининг меҳнат фаолияти, қасбкорига boglik булган вазифаларига ва турмушдаги бурчларига караб белгиланади. Киши жамиятда, жамоада тутган урни максад куйишга таъсир этадиган муҳим омил хисобланади.

Кишида келиб чикадиган эҳтиёжлар дарров яккол тасаввур килинадиган максад тарзида хосил була колмайди. Кунгилда кечётган эҳтиёж ва интилишлар турли даражада англаниши ва турлича тасаввур килиниши мумкин.

Масалан, эҳтиёж ва интилишлар баъзан истак тарзида кунгилдан кечади. Истак шундай холатки, бунда одам узига нимадир етишмаётганини, ниманидир истаётганини хис килиб турдию, уша нарса нима эканини яхши тасаввур кила олмайди. Тилак интилишнинг шундай босқичи, бунда киши харакат максадини англаб етади, лекин унга эришиш йуллари ва воситаларини хали тушуниб етмайди.

Эҳтиёж яна кучайиб бораверади. Натижада интилиши максадларидан ташкари, унинг йул, усул ва воситалари хам аста-секин англашилиб борад. Интилишнинг бундай тула англанилган босқичи хохиш деб айтилади.

Максаднинг ва унга етишиш йулларининг маъкул ва номаъкуллигини белгилаб берадиган хамма нарса иш-харакат мтоивлари деб айтилади. Киши нега бошқа бир максадни эмас, балки худди шу максадни уз олдига куймоқда, шу максадга етишмок учун бошқа йул ва воситалар билан эмас, балки худди шу воситалар билан иш қуришнинг сабаби нима деган саволга жавоб мотив деб аталади. Максадларни, уларга эришиш йуллари ва воситаларини танлаш жараёни баъзан ички кураш характерига эга булади. Бу курашда турли куч ва жозибага эга булган бир неча мотив майдонга чикади. Бу жараён мотивлар кураши деб юритилади. Мотивлар кураши купинча тафаккур билан хиссиёт уртасидаги курашдан иборат булади. Бундан ташкари, бу бурч хисси билан унга оид булган кандайдир бошқа шахсий хис уртасидаги кураш тарзида хам намоён булиши мумкин.

Максадга эришиш йуллари ва воситаларини танлаш жараёни, режалаштириш мотивлар кураши билан бояланган булиб, карорга келиш билан тугайди. Карорга келиш муайян бир максадни ва шу максадга эришиш йулидаги харакат усулларидан бирини танлаб олиш демакдир. Тез карорга келиш суръати бир канча сабабларга, жумладан, эҳтиёжга, хал килувчи мотив кучига, вазиятга, хиссиётга, тафаккур ва хаёлнинг тараққиёт даражасига, кишининг турмуш тажрибаси ва билимларига, дунёкараши, темперамент ва характерига, бошқа кишиларнинг маслахати, буйруги,

таклифларига бөглиkdir. Бундан ташкари, максаднинг ахамиятлилигига, бирорта карорга келтирувчи фаолиятнинг характеристига хам бөглик булади.

Катъият факт тезлик билан карорга келишдагина эмас балки, карорни тез ва дадил бажаришда хам зохир булади. Тезлик билан карорга келиш ваа уни белгиланган муддатда бажариш – катъиятни намойиш килиш демакдир.

Кабул килинган карор мустахкам ёки буш булиши мумкин. Бир марта кабул килиниб, кейинчалик узгартирилмайдиган ва маълум вақт давомида албатта бажариладиган карор катъий ва мустахкам карор дейилади. Карор кабул килинсаю, кейин ё узгартирилса, ёки бошқа янги карор билан алмаштирилса, ёхуд бутунлай бекор килинса, бундай карор буш карор дейилади. Катъий ва мустахкам карорга келиш ироданинг ижобий хусусиятидир.

Карор унга мувофик келадиган чоралар куриш ва харакат килиш учун кабул килинади. Карордан харакатга утишни карорни ижро этиш дейилади. Ироданинг энг мухим ва асосий босқичи карорни ижро этишдир.

Одатда иродавий харакатлар 2 хил: жисмоний ва аклий булади. Жисмоний харакатларга хар хил меҳнат операциялари, уйин ва спорт машгулотлари ва бошқалар киради. Аклий харакатларга эса масала ечиш, ёзма ишлар, дарс тайёрлаш, илмий тадқикот ишлари олиб бориш кабилар киради Куп вақт такрорланиб узлашиб кетган, куникма ва малакаларга айланган харакатлар хам мураккаб иродавий харакатларданdir.

Карорни ижро этиш, одатда, маълум вақт, муддат билан бөглик булади. Карор кечикмасдан, белгиланган муддатда ижро этилса, бу ироданинг ижобий сифатидан далолат беради.

Аммо кабул килинган карор хамиша бажарилавермайди, айрим холларда эса уз вақтида бажарилмай колади. Ижроси пайсалга солинадиган ёки бутунлай ижро этилмайдиган карорлар ниятлар деб айтилади.

Бир катор холларда карорга келиш бошқа кучли эҳтиёжларнинг таъсирини зарурӣ тарзда енгиш билан бөглик булган жиддий характеристдаги ички зур бериш билан бөглик булади. Узидаги каршиликларни енгиш билан бөглик булган бундай жараён иродавий зур бериш дейилади. Иродавий зур бериш онгнинг, аввало нерв-мускул аппаратининг махсус зурикишида ифодаланади ва организмнинг ташки узгаришларида намоён булади. Бундан ташкари, зур бериш учун яна куч сарфлашга хам тугри келади.

Иродавий зур бериш ва иродавий харакат максадга эришиш йулида учрайдиган тусикларни енгишда намоён булади. Тусиклар эса икки хил: ички ва ташки тусиклар булиши мумкин.

Ироданинг навбатдаги босқичи ижрога баҳо бериш булиб хисобланади. Баҳо бериш килинган ишни маъкуллаш, оқлаш ёки коралашдан иборат булади. Бу баҳо кабул килинган карор ёки бажарилган харакатлардан мамнун булиш ёки мамнун булмаслик туфайли келиб чиккан махсус хиссий кечинмаларда ифодаланади.

Демак, ирода инсонгагина хос ноёб психик жараёндир. У инсоннинг онгли харакатларида намоён булади. Ирода туфайлигина турли каршиликларни енгиб уз максадимизга эришамиз. Ирода жуда мураккаб тузилишга эгадир. У куплаб харакат босқичларини уз ичига олади.

Мавзунинг таянч тушунчалари: максад, мотив, мотивлар кураши, ирода, ирода акти, иродавий зўр бериш, қарор, қарорни ижро этиш, ижрога баҳо бериш, дадиллик, қатъиятлилик, матонатлилик, сабр-тоқатлик.

Мавзу бўйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Фаоллик нима?
2. Мотив ва мотивлар курашини тушунтиринг.
3. Ирода кандай босқичларда юз беради?
4. Ирода сифатларига нималар киради?

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Т.: 1999.
2. Умумий психология.. А.В.Петровский таҳририда. Т.: 1992.
3. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т.:1997.
4. Гоноболин Ф.Н. Психология. Т.:1976.
5. Иванов П.И. Ирода ва уни устириш. 1965.
6. Токерева В.А. Кучли ирода ва мустахкам характер эгаси бул. Т.:1969.
7. Хрестоматия по общей психологии. 1995.
8. Психология: изолхли лугат. Т.: 1998.
9. Рахмонова М. Психология курсида курсатмалииик. Т.: 1981.

Мавзу: ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

Режса:

1. Шахс хакида тушунча.
2. Шахснинг тузилиши ва фаоллиги.
3. Шахс тараққиётини хараката келтирувчи кучлар. Шахснинг шакланиши.

Мустакилликка эришган Ўзбекистонда келажаги буюк давлат кураётган эканмиз, унинг фаол курувчиси булган шахснинг психологияси масалаларини урганиш ва ишлаб чикиш гоят катта ахамиятга эгадир. Бу масалани урганиш янги кишини камол топтириш назарияси ва практикаси илмий жихатдан ишлаб чиқишида муҳим ўрин тутади.

Шахс ижтимоий муносабатлар системасининг, ижтимоий ҳаётнинг кўп қиррали, мураккаб звеносидир. У бир томондан ижтимоий – тарихий тараққиётнинг маҳсули бўлса, иккинчи томондан ижтимоий тараққиётни таъмин этувчиидир.

Биз психологияни ўрганаар эканмиз, индивид, шахс, индивидуаллик тушунчаларини бир-биридан фарқ қилишмиз керак. Одамнинг инсон жинсига мансублиги инивид тушунчаси билан ифодаланади. Биз ката ёшдаги нормал одамни хам, чакалокни хам, тилни ва оддий малакаларни узлаштира олмайдиган телаларни хам индивид деб атай оламиз. Бирок булардан факат биринчисигина шахс, ижтимоий мавжудот хисобланади. Ижтимоий муносабатларга киришувчи ва ижтимоий тараққиётда фаол иштирок этувчи одамгина шахс деб аталади. Индивид сифатида дунёга келган одам кейинчалик шахсга айланади.

Шахс жамият аъзосидир. У омманинг синфнинг ажралмас кисмидир. У омма билан харакатланиб тарихни яратади. Шахс ижтимоий бойликлар яратувчиидир.

Шахснинг шахс бўлишлиги учун у фаолликка ҳам эга бўлиши керак. Чунки фаолиятдаги фаоллик шахснинг муҳим белгисидир. Фаоллик ҳамиша яхши яшашга йўналтирилган бўлади. Киши яхши яшashi учун, жамиятни ривожлантириш учун атайлаб фаоллик кўрсатади. Бу шахснинг онглилик белгисидир.

Шахснинг характерли белгиларидан бири индивидуалликдир. Индивидуаллик ҳар бир шахснинг ўзигагина ҳос бўлган, такрорланмайдиган шахсдир. Индивидуаллик кишининг характери, темпераменти, психик кечинмаларининг ўзига ҳос хусусиятлари, хиссиёти ва фаолиятининг мотивларида кўринади. Ана шунга кўра кишилар бир-бирларидан фарқ қиласидар. Дунёда қанча одам бўлса, шунча индивидуаллик мавжуддир. Ҳеч ким бир-бирини ўрнини боса олмайди. «Ўнта бўлса, ўрни бошқа» мақоли индивидуалликка ҳам нисбатан айтилгандир.

Шахс тушунчаси қадимдан мавжуд бўлиб, у дастлаб актёр ниқоби, кейинчалик эса актёр маъносини англатган. Чунки саҳнадаги кўриниш ўзгариши билан актёр маскаси ҳам ўзгарган. Бундан ташқари, киши турли шароитда ўз қиёфасини ўзгартириши ва ўзини бир неча ҳил қилиб кўрсатиши ҳам мумкин. Киши артист каби турли ролларни бажариши мумкин.

Шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятларининг бирикмаси ҳар бир конкрет одамда барқарор бирликни ташкил этади, бу эса шахс психологик тузилишининг нисбатан доимийлиги деб қаралиши мумкин. Психик ҳолатлар доим ўзгариб турса ҳам, ҳар турли ижтимоий групхларда ва ҳар ҳил ҳаётий вазиятларда одам ўз зиммасига олган роллари билан боғлиқ ҳолда хулқ – автори ўзгариб турса ҳам, ёшнинг ўзгариб бориши ва ҳоказолари билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар содир бўлса ҳам шахснинг психик қиёфаси маълум даражада барқарор бўлиб қолаверади.

Шахснинг психологик тузилишига икки ҳил қарашиб мавжуддир. Идеалист олимлар шахс тузилишини фақат биологик факторлар (анатомик – физиологик тузилишга) боғлаб тушунтирасалар, бошқалари фақат ижтимоий факторларга боғлайдилар. Аслида шахс тузилишида икки факторнинг ҳам роли бор. Лекин шахс тузилиши ва унинг шакланишида ижтимоий факторнинг роли каттадир. Чунки шахс ижтимоий категориядир.

Бундан ташқари, шахс фаоллигининг манбаи масаласида ҳам икки ҳил қарашиб мавжуддир. Биринчи групх тарафдорлари шахс активлигини биологик факторларга боғлайдилар. Шахснинг шакланишини ва фаоллигини биологик факторларга боғловчилардан энг оммавийси фрейдизм бўлиб ҳисобланади. БУ таълимотнинг асосчиси австриялик врач ва психолог Зигмунд Фрейд бўлиб, унинг таълимотига кўра шахс психологик ҳаётининг асосини жинсий лаззат олишга қаратилган туғма, онгиз майллар ташкил этади.

Фрейднинг баъзи шогирдлари унинг бу таълимотига қарши чиқсан. Масалан Адольф Адлер (1870 – 1937) нинг фикрича, шахс психологик ҳаётининг асосини сексуал майл эмас, балки устунликка, ҳокимиятга, бошқа кишилар устидан хукмронлик қилишга булган табиий майл ташкил этади.

Ваҳоланки, шахс фаоллигининг манбаи турли эҳтиёжлардир. Мана шу эҳтиёж одамни маълум тарзда ва маълум йўналишда ҳаракат қилишга ундейди. Эҳтиёж шахс фаоллигининг манбаи сифатида намоён бўладиган ва унинг конкрет яшаш шароитига боғлиқлигини ифодаловчи ҳолатдир.

Шахс эҳтиёжларидан ташқари, қизиқишларга ҳам эга бўлади. Қизиқишлар деганда одамнинг билиш жараёни билан боғлиқ эҳтиёжларининг ҳиссий намоён бўлиши

тушунилади. Билиш эҳтиёжларини қондириш билимлардаги камчиликларни тўлдиришга, шароитга яхшироқ мослашишга, ўзи учун аҳамиятли нарсаларни тушунишга ёрдам беради.

Фаолият жараёнида қизикишларнинг роли нихоятда каттадир. Қизикишлар мазмунига, мақсадига, кенглиги ва мустаҳкамлигига қараб классификация қилиниши мумкин.

Шахс ўз эътиқодига ҳам эга бўлади. Эътиқод шахснинг ўз қарашлари, принциплари, дунёқарашларига мос равишда ҳаракат қилишга ундовчи англаангтан эҳтиёжлар йифиндисидир. Эътиқодли киши ҳеч қачон ўз принциплари, қарашлари, мақсадларидан чекинмайди. Ҳозирги тарбиямиздан мақсад ҳам эътиқодли, имонли, маънавий етук кишиларни тарбиялаб етиштиришдир.

Шахсда тилаклар ҳам мавжуд бўлади. Тилак ҳатти – ҳаракат мотиви бўлиб, у кишини ҳаракат қилишга ундейди. Тилак ният, орзу, эҳтирос шаклларида намоён бўлиши мумкин. Улар юксак ва паст бўлиб, одамлар фаолияти ва жамият ҳаётида турли роль ўйнаши мумкин.

Қизикишлар, эҳтиёжлар, эътиқодлар, тилаклар англанилган ҳаракатлардир. Лекин инсонда англанилган мотивлардан ташқари, англанилмаган майллар ҳам борки, инсон ҳаётида катта аҳамиятга эгадир.

Фаолиятга нисбатан англанилмаган майллар орасида энг кўп ўрганилгани кўрсатма бериш масаласидир. Бу масалани грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг ходимлари ишлаб чиқкан.

Кўрсатма бериш деганда билиш фаолияти билан боғлик бўлган эҳтиёжни маълум усуlda қондиришга тайёр туриш тушунилади. Кўрсатма бериш шахснинг ўзи англаб етмаган бир ҳолатдир. Бундай ҳолатда шахс бирор эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган маълум фаолиятга тайёр турган бўлади.

Кишининг ўз мақсадига эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликлар туфайли унда ишончсизлик, умидсизлик ҳолатлари ҳосил бўлади. Буни фрустрация дейилади.

Фрустрация кишини тажанг, тажовузкор, кўпол қилиб қўйиши ёки аксинча уни ювош қилиб қўйиши мумкин. Ўқувчиларга тарбия беришда фрустрацияни олдини олиб, енгиб бўлмайдиган нарса йўқлигини, бу қийинчиликлар вақтинча эканлигини айтиб, ишонтириб уларда истиқболни яратиш керак.

Шахс ижтимоий, конкрет – тарихий шароитларда яшashi, таълим-тарбия олиши туфайли таркиб топади. Шахс тараққиётининг ҳаракатлантирувчи қучи нимадан иборат? Бу масалани ҳал қилиш юзасидан психология тарихида иккита оқим мавжуд бўлиб, улардан биринчиси шахс психик тараққиётининг биогенетик концепцияси, иккинчиси эса социогенетик концепциясидир.

Биогенетик концепцияга кўра инсон шахсининг тараққиёти биологик фактор, яъни наслий фактор билан белгиланади. Бу концепцияга кўра, одам психик фаолиятининг шаклларигина эмас, балки бу фаолият шаклларининг мазмуни ҳам гўё туғилишидан пешонасига ёзиб қўйилган эмиш, одамнинг психик тараққиёт босқичлари ва уларнинг юзага келиш тартиблари аввалдан белгиланиб қўйилган эмиш. Биогенетиклар педагоглардан болада тақдир йўли билан қандай шахсий сифатлар юзага келишини билиб туришни, лекин уларнинг юзага келишига қаршилик қилмасликни, аксинча ёрдам беришни талаб қиладилар.

Социогенетик концепция шахснинг тараққиётини унинг атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлаб тушунтирадилар. Уларнинг айтишича «одам ижтимоий муҳит нусхасидир». Социогенетик ҳам биогенетиклар сингари ривожланаётган одамнинг шахсий фаоллигини инкор қиласидилар. Одам фақат атрофидаги муҳитга мослашадиган, пассив роль ўйнайдиган мавжудот деб қарайдилар. Агар социогенетик концепцияни тўғри деб билсак, у ҳолда нима сабабдан баъзи ҳолда бир ҳил муҳитда ҳар ҳил одамларнинг етишиб чиқиши тушуниб бўлмайдиган масала бўлиб қолади.

Шахс тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучлар муаммосини ҳал қилишда диалектик материализм таълимотига асосланиш лозим. Шахснинг фаоллиги одамни англантган ёки англантмаган мотивларининг мураккаб системаси орқали фаолиятга ундовчи эҳтиёжлар йифиндисига боғлиқдир. Бироқ эҳтиёжларни қондириш жараёни ички қарама – қаршиликларга эга бўлган жараёндир. Одатда эҳтиёжлар пайдо бўлиши биланоқ қондирилмайди. Эҳтиёжларни қондириш учун моддий воситалар, шахснинг фаолиятга маълум даражада тайёр бўлиши, билимлар, кўникмалар ва шу кабилар зарурдир.

Шахс тараққиётида ирсият ва муҳитнинг ролини тўла инкор қилиб бўлмайди, балки ҳар иккисининг ҳам маълум даражада ўз ўрни бор. Лекин шахс тараққиётини белгиловчи асосий омил таълим – тарбия бўлиб хисобланади.

Мавзу бўйича таянч тушунчалар: индивид, шахс, индивидуаллик, шахснинг қизиқишлари, шахснинг дунёкараши, шахснинг эътиқоди, конформизм, фрустрация

Мавзу бўйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Индивид, шахс ва индивидуалликни бир-биридан фарқлаб беринг.
2. Шахснинг тузилиши деганда нимани тушунасиз?
3. Шахснинг қизиқиши, дунёкараши, эътиқоди нима?
4. Шахс шаклланишининг асосий омиллари кайсалар?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори». Т.:1997
2. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. Т.:1992, 206-249 бетлар.
3. Божович А.Г. Психология личности. 1979.
4. Узнадзе Д.Н. Психологик тадқиқотлар. 1989.
5. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М.:1982.
6. Петровский А.В. Личность. Деятельность. Коллектив. М.: 1982.
7. Гоноболин Ф.Н. Психология. Т.: 1978, 31-36 бетлар.
8. Платонов К.К. Қизиқарли психология. Тошкент, 1971, 380-414 бетлар.

МАВЗУ: МУЛОКОТ

Режса:

1. Мулокот тугрисида тушунча ва мулокотнинг купкиррали характеристери.

2. Мулокотда кайтарма алока, мулокот тренинги.
3. Педагогик мулокот. Тил.
4. Нутк хакида тушунча, унинг турлари, функциялари.

МУЛОКОТ – одамлар уртасида биргаликдаги фаолият эхтиёжларидан келиб чикадиган бояланишлар ривожланишининг куп киррали жараёнидир. Мулокот биргаликда фаолият курсатувчилар уртасида ахборот айирабошлишни уз ичига олади. Бундай ахборот айрибошлиш муносабатининг коммуникатив шакли сифатида таърифланади. Одамлар мулокотга киришаётганда улар тилдан фойдаланадилар. Мулокотнинг иккинчи жихати – мулокотга киришувчиларнинг узаро биргаликдаги харакати – нутк жараёнида фактат сузлар билан эмас, балки харакатлар, хатти – харакатлар билан хам бир – бирини тушунишдан иборат.

Нихоят, мулокотнинг учинчи жихати мулокотга киришувчиларнинг бир – бирларини идрок этишларида намоён булади. Шундай килиб, ягона мулокот жараёнида шартли равишда учта томонни – коммуникатив /ахборот узатиш/, узаро биргаликдаги харакат килишни ва узаро бир – бирини идрок килишни курамиз.

Киши биргаликда фаолият курсатаётганда заруратга кура бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан мулокотга киришиши, яъни алока урнатиши, узаро хамжихатликка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тарикасида ахборот бериши лозим ва хоказо. Бу уринда мулокот фаолиятнинг бир томони, бир кисми, унинг энг мухим информатив коммуникация сифатида намоён булади.

Юкорида айтганимиздек, мулокотда биз тилдан фойдаланамиз. Тил мулоктга киришувчилар уртасида алока бояланишини таъминлайди. Негаки, тил шу максад учун танланган сузлар моҳиятига кура *КОДЛАШТИРГАН* холда ахборотни берайтган киши хам, унинг кодини очган, яъни унинг маъносини тушунган ва шу ахборот асосида уз хулк – авторини узгартирган, бу ахборотни кабул килаётган киши хам тушунади. Агар кодни тушунмаганди эди, томонлар бир – бирини тушунмас ва нотурги хатти – харкатлар килган булур эди. Масалан, кадимги Вавилондаги минора курилиши.

Нутк – бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида мулокот урнатиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон – бир мазмунни англатадиган сузлар оғзаки коммуникация воситаси хисобланади. Сузлар эшиттирилиб ёки овоз чикармасдан айтилиши, ёзиб куйилиши ёки кар – соков кишиларда маълум бир мазмунга эга булган имо – ишоралар воситасида алмаштирилиши мумкин.

Куйидаги нутк турлари фарқ килинади: ёзма ва оғзакки нутк. Уз навбатида оғзаки нутк диологик ва монологик нуткларга булинади. Оғзаки нуткнинг энг содда тури *ДИАЛОГ*, яъни бирор нарсани мухокама килаётган сухбатдошлар нуткидир. Оғзаки нуткнинг иккинчи тури *МОНОЛОГ* нутк булиб, уни бир киши бошқасига ёки уни тинглаётган куплаб кишиларга карата гапиради. Бунга уқитувчининг хикояси, укувчининг кенггайтирилган жавоби, маъруза ва шу кабилар киради.

Диалог нуткда тил коидалрига унчалик риоя килинмаса хам сухбатдошлар бир – бирларини тушунаверадилар.

ЁЗМА нутк инсоният тарихида оғзаки нуткдан анча кейин пайдо булган. Ёзув туфайли одамлар тупланган тажрибаларни авлоддан авлодга туласича етказиш имкони тугилди. Бордию бу тажрибалар оғзаки нутк тарзида утказилганда

бузилиши, узгариши, хатто йуколиб кетиши мумкин эди. Масалан, бобоколонимиз Имом ал-Бухорий томонидан «Хадис»ларни ёзма туплашга утилганлиги.

Ёзма нутк хам диалог ва монолог шаклларида учрайди. Нуткнинг нерв – физиологик механизмини эшитиш ва харакат анализаторлари ташкил этади. Чунки ахборотни кабул килиш ва уни бошқаларга бериш учун аввало эшитиш анализаторлари яхши ишлаши керак. Гапираётганда эса упка, оғиз мускуллари фаол харакатга келади. Айникса, артикуляцион аппарат яхши ишлаши керак. Бунинг фаолиятисиз бирорта харф ёки суз хосил булмайди. Нуткнинг нерв – физиологик механизмларини бош миядаги нутк марказлари хам ташкил этади. Олимларнинг, айникса, А. Р. Лурияning тажрибалари шуни курсатадики, бош миядаги нутк марказлари ишдан чикса, нуткни тушуниш ёки нутк сузлаш бирданига издан чикар экан. Биз узаро мулокотда тил, нуткнинг узидангина фойдаланиб колмасдан, балки кул, бармок ва юз харакатлари, имо – ишора, оханг, пауза, кулгу, куз ёши килиш ва шу кабилардан хам фойдаланамиз. Булар оғзаки коммуникация воситалари – сузларни тулдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса урнини босувчи белгилар тизимини ташкил этади.

ТАЪЛИМ – бу аввало ахборот жараёнидир. Укитувчи укувчига билимларни маълум килади /тегишли ахборот беради/ ва уз навбатида тескари алока тарзида ундан баён килинган билимлар кандай узлаштирилганлиги хакида тасаввур хосил киладиган ахборот олади. Бу ахборот укувчиларнинг диққат билан утиришларида, укитувчига караб туришларида, юз ифодаларида уз аксини топади. Агар тескари алока булмагандан эди укитувчи берган ахборотининг укувчилар томонидан кандай кабул килинаётганини билмаган булур эди. Тескари алока укитувчига уз нуткини давом эттириш ёки тухтатиш, иш турини узгартириш, умуман фаолиятини корректура килиш имконини беради.

Педагог болаларга ахборот узатиш жараёнида уларга тарбиявий таъсир этиб хам боради, яъни узининг идеаллари, карашлари, одоби, харакат усулларини уларга утказиб хам боради.

Мулокотнинг учинчи вазифаси – бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва бажарилиши демакдир. Киши бошқа одамларни урганар экан, улар билан биргаликда фаолият курсатади, истикболларини яхширок ва янада ишончлирек аниклаб олиш имкониятига эга булади. Келишиб олинган харакатларнинг мувоффакияти улар ички дунёсининг аник укиб чикилганлигидир.

Кишиларда мулокот маданиятини таркиб топтириш хам муҳим аҳамиятга эгадир. Мулокот маданияти кишиларда тасодифан ёки мактаб таълими таъсирида шаклланади. Масалан, укитувчи биринчи синфданок укувчиларга тугри гапиришни, саволларга кенг ва батафсил жавоб беришлини, сураганда урнидан туриб гапириш лозимлигини ургатиб боради. Болалар ёши улгайгач, масалан, катта мактаб ёшида укувчилар бадиий адабиёт ёки маҳсус педагогик адабиётларни ўқиш оркали муомала маданияти хакида яна хам кенгрок тушунчага эга буладилар. *Лекин муомала маданиятини маҳсус машқ килиши оркали урганишининг зарурлиги хеч кимга сир эмас. Психологик тренинг, яъни муомалани машқ килиши икки хил вазифани бажаришини назарда тутади, биринчидан муомаланинг, айникса педагогик муомаланинг умумий конуниятларини урганишини, иккинчидан, педагогик коммуникациянинг «технологиясини» эгаллаш, яъни профессионал педагогик муомала куникма ва малакаларини шакллантиришини назарда тутади.*

Психологик тренинг назарий ва амалий томонларга эга. Амалий томони укувчилар билан буладиган муомала кунималари ва малакаларини эгаллашга хамда уларни чиникиришга каратилган машклар: дарснинг барча босқичларида изчиллик билан харакат килиш кунималарини, педагогик иш давомида мушакларнинг зурикишини сундириш малакаларини, ихтиёрий диққатни таксимлаш малакасини шакллантиришга, кузатувчанликни устиришга каратилган машкларни такозо киласи.

Мулокот маданиятини эгаллашни машк килишда магнитафон ёзувлари, видеотасвирлардан фойдаланиш хам катта ахамиятга эга. Чунки бундай ёзувлар булажак укитувчининг уз нуткини такомиллаштириш, овозини созлаш, гапираётганда коматини тугри, тик тутиш, ортиқча, кераксиз харакатлар, мимикардан холи булиш имконини беради. Шунинг учун булажак педагоглар нутк маданиятини, муомала маданиятини эгаллашда ана шунга ухшаш машклардан фойдаланиш керак.

Энг мухими, киши нуткни тарбиялаш буйича олдига аник максад куйиши ва ана шу максад асосида катъий машклар олиб бориши лозим. Масалан, киши адабий тилда сузлашга урганишни уз олдига максад килиб қуиган булса, факат дарс пайтидаги жавобларидағина эмас, хар кандай шароитда, хар бир киши билан булган мулокотда хам узини гапларини назорат килиб бориши, шевачиликка йул куймаслиги лозим. Уз – узини назорат килиш булмаса киши хеч качон нутк маданиятини, муомала маданиятини эгаллай олмайди, у нотик була олмайди.

Мавзу буйича таянч тушунчалар: мулокот, мия, нутк, коммуникатив мулокот, интерактив мулокот, перцептив мулокот, педагогик мулокот, мулокот тренинги, мулокот маданияти.

Талабаларнинг мавзу юзасидан билимларини синаш учун тестлар:

1. Мулокот – бу:

- А) ҳаётый мухим масалаларни бошқа одамлар билан хал килиш жараёни;
- Б) инсонни амалий ва назарий фаолиятни ташкил этиш усули;
- В) эътиқод, дунёкарап ва идеалларнинг шаклланиш жараёни;
- Г) болаларда аклий, ахлоқий хисларининг пайдо булиш жараёни.

2. Педагогик мулокот – бу:

- А) педагогик кузатувчанлик, ташаббускарлик;
- Б) педагог ва укувчиларнинг биргаликда харакат килиш усули;
- В) таълим-тарбияни бошқариш жараёни;
- Г) укувчилар жамоаси билан муносабат.

3. Мулокот воситаси – бу:

- А) оғзаки нутк;
- Б) ёзма нутк;
- В) тил;
- Г) ички нутк.

4. Коммуникацияда кенг фойдаланиладиган нутк:

- А) ички нутк;
- Б) оғзаки нутк;

- В) ёзма нутк;
- Г) афазиялар

МАВЗУ: ДИҚҚАТ

Режса:

1. Диққат хакида тушунча ва унинг нерв физиологик механизмлари.
2. Диққат турлари.
3. Диққатнинг асосий хусусиятлари.
4. Диққатнинг ривожланиши.

ДИҚҚАТ – психик фаолиятнинг йуналтирилиши ва шахс учун ахамиятли булган объект устида тупланишдир. Йуналтирилиши деганда психик фаолиятининг танловчилик характери, объектни ихтиёрий ёки беихтиёрий танлаш тушунилади. Укувчи мактабда уқитувчининг тушунтиришларига кулок солаётганда, мана шу эшитиш фаолиятини онгли равишда танлаб олган, уз диққатини этишиш фаолиятига онгли равишда каратган булади. Укувчининг бирор бошқа нарсага чалгимасдан, укув материалининг мазмунига зехн куйиб утиришида унинг диққатини йуналиши ифодаланади.

Психик фаолиятнинг йуналтирилиши деганда факат ана шу фаолиятни танлаш тушунилиб колмай, балки ана шу танлаганини саклаб колиш ва куллаб – кувватлаш хам тушунилади.

Диққат психик фаолиятнинг йуналтирилиши билан бирга унинг тупланишини такозо килади. Психик фаолиятнинг бир жойга тупланиши – мазкур фаолиятга хеч кандай алокаси булмаган хамма бошқа нарсалардан диққатни чалгитиши демакдир. Диққатнинг бир жойга тупланиши деганда мазкур фаолиятга бутунлай берилиш, унга озми – купми чукур эътибор бериш тушунилади.

Диққат хар кандай фаолиятнинг муҳим шартидир. Диққатсиз хатто энг оддий ишларни хам бажариш мумкин эмас. Диққат меҳнатнинг барча жараёнида, ижодий фаолиятда, ўқишка айникса катта ахамиятга эга. К.Д.Ушинский «Диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгизгизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик оркали утиб киради», - деб ёзган эди.

Диққатнинг нерв – физиологик механизмини И.П Павловнинг ёзишича ориентировка рефлекси ташкил этади. Буни Павлов «бу нима» рефлекси деб хам атаган эди. Бундан ташкири, диққат маълум нерв марказларининг кузголиши ва миядаги бошқа нерв марказларининг тормозланиши билан хам боғлиkdir.

И. П. Павлов томонидан кашф этилган нерв процессларининг индукцияси конуни диққатининг физиологик асосларини тушуниб олиш учун муҳим ахамиятга эгадир. Мана шу конунга мувофик бош мия пустининг бир жойида пайдо булган кузголиш бош мия пустининг бошқа жойларида тормозланши юзага келтиради. Ва аксинча, бош мия пустининг айрим бир жойида юзага келган тормозланиш бош мия пустининг бошқа жойларида кучли кузголишни пайдо булишига олиб келади. Айни шу пайтнинг хар бир онда мия пустида кузголиш учун оптимал, яъни нихоятда курайлиги билан характерланувчи кучли кузголиш учоги мавжуд булади.

А.А. Ухтомский томонидан илгари суралган *ДОМИНАНТА* принципи хам диққатнинг физиологик асосларини аниклаш учун катта ахамиятга эга. Шу доминанталик принципига мувофик мияда кузголишнинг хар доим устун туралган хукмрон учоги айни шу дамда мияга таъсир этиб, унда юзага келаётган хамма кузголишларни кандайдир равишда узига тортиб олади ва бунинг натижасида бошқа кузголишларга нисбатан унинг хукмронлиги янада ошади.

Одатда доминонта субдоминонтага, субдоминонта эса доминонтага утиб туради. Бу эса диққатнинг бир нарсадан иккинчи нарсага кучиб туришининг нерв физиологик механизмини ташкил этади. Куриниб турибдики, Павлов билан Ухтомский таълимотлари бир – бирига карама – карши эмас, балки мазмун жихатдан ухшашибдир.

Жиддий диққат, одатта узига характерли булган ташки ифодалар билан боглик булади, нарсани яхшилаб идрок килишга каратилган харакатлар билан /тиклиб караш, диққат билан эшитиш/, ортиқча харакатларни тухтатиш, нафас олишни секинлаштириш, диққат учун характерли булган юз характерлари билан боглик булади.

Диққат уч турли булади: ихтиёrsиз диққат, ихтиёрий диққат, ихтиёрийдан кейинги ёки мувофикашган диққат.

ИХТИЁРСИЗ диққат максадсиз, режасиз юз беради. Бундай холларда фаолият мароклилиги, кизикарлилиги ёки кутилмаганда содир булишлиги билан узига жалб килади. Одам узига таъсир килаётган нарсаларга, ходисаларга, бажараётган фаолиятига беихтиёр берилиб кетади.

Ихтиёрий диққат деб онгимизни аник максад асосида ва идоравий куч ёрдамида керакли объектга йуналтиришга айтилади. Агар ихтиёrsиз диққатда иш бизни узига шунчаки жалб килиб олса, ижтиёрий диққатда биз диққатимизни каратиш учун уз олдимизга онгли суратда максад куюмиз, кийинчиликларни енгиб, диққатни туплаш учун курашиб ва хар кандай бошқа нарсаларга берилмаслик учун ирода кучини сарфлаб диққатимизни онгли равишда нарсага каратамиз. Ихтиёрий диққатнинг характерли хусусияти худди мана шу максад кузлашда, иродавий зур беришда намоён булади.

Ихтиёрий диққат иродамизнинг намоён булишидир. Кандайдир бирор фаолият билан шуғулланишга карор килар эканмиз, диққатимизни хатто айни чогда биз учун кизикарли булмаган, лекин биз шуғулланишни лозим топган нарсаларга онгли суратда каратамиз. Демак, ихтиёрий диққат ихтиёrsиз диққатдан сифат жихатдан фарқ килади.

Ихтиёрий диққат ихтиёrsиз диққатдан келиб чиккан. Одамда ихтиёрий диққат меҳнат жараёнида юзага келади. Чунки меҳнат максдага мувофик фаслиятдир. Максад кузлаш эса уз таркибида диққатни йуналтиришни хам олади. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари одамда уз диққатини меҳнат фаолияти учун мухим ахамиятга эга булмаган нарсаларга каратмаслик ва меҳнат жараёни билан боглик нарса устида туплаш руҳида тарбиялайди.

Ихтиёрий диққат ихтиёrsиз диққат каби одамнинг кизикишлари билан мустахкам богликдир. Лекин, агар ихтиёrsиз диққатда кизикишлар бевосита булсалар, ихтиёрий диққатда бавосита характерга эга булади. Фаолиятнинг узи бизни кизиктирмаслиги мумкин, аммо фаолиятни бажаришда юкланган вазифани

хал килиш учун зарур булгани туфайли ана шу максад нуктаи назаридан фаолият биз учун кизикарли булиб колади.

Ихтиёрий дикқатдан ташкари, дикқатнинг ана бир турини кайд килиб утиш лозим, бу дикқат, ихтиёрий дикқат каби максадга картилган булиб, лекин доимий иродавий зур беришни талаб килмайди. Масалан, укувчи уй топширигини бажаришга киришганда дастлаб бу ишга узини мажбур килади, атайлаб дикқатни иш устига туплайди, иродавий зур беради. Лекин ишга киришиб олгач, энди иродавий зур бериш пасаяди, дикқат уз-узидан иш устига тупланади, укувчи эса ишни берилиб бажара бошлайди. Ана шу пайтда укувчининг дикқати ихтиёрий дикқатдан мувофиклашган дикқатга айланади.

Дикқат бир неча хусусиятга эга булади:

1. Дикқатнинг кулами.
2. Дикқатнинг кучи ва баркарорлиги.
3. Дикқатнинг булиниши.
4. Дикқатнинг қучиши.
5. Дикқатнинг тебраниши.
6. Паришонлик.

Дикқатнинг баркарорлиги деганда бирор фаолият устида узокрок вақт ушланиб туришлигини тушинамиз. Дикқатнинг баркарорлиги унинг кучи билан чамбарчарс боғлангандир. Одатда кучли дикқат уз навбатида баркарор хам булади.

Дикқат тебраниш хусусиятига хам эгадир. Агар жуда кучсиз, зурга эшитиладиган овозга кулок соладиган булсак, масалан, соатнинг чиккиллашига кулок солсак, дикқатимиз жиддий каратилган булишига карамай, бу овоз гоҳ баланд, гоҳ паст эшитилади. Бир – бирига якин булган ёргулик фаркини ажратишда хам худди шундай ходиса юз беради. Дикқатнинг бундай тебраниш даврлари хисоблаб чикилган. Маълум булишича, дикқат тебранишнинг давомийлиги унча катта булмай, 1,5 секунддан 2,5 секундгача етади.

Дикқатнинг булиниши – психик фаолиятнинг шундай ташкил килиниши, бунда айнан бир вақтнинг узида дикқатимиз иккита ва ундан ортик нарсаларга каратилади. Дикқат хакикатан хам булинадими? Бу соҳада куплаб тажрибалар утказилган. Натижада, айрим тадқикотчилар дикқат булинади десалар, бошқалари у булинмайди, аксинча бир фаолиятдан иккинчи фаоляига тез кучади деган хуносага келганлар.

Албатта, дикқатнинг булиниши учун бажараётган ишларимиз маълум даражада автоматлашган булиши лозим. Масалан, рулга янги утирган шофёр тормозни босаман деб газни босиб юборади ёки машинани бошқаришга дикқат килган холда йулдаги чукурликни курмай колади.

Дикқат хусусиятларидан яна бири унинг кучишидир. Дикқатнинг кучиши деганда унинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез утишини тушунамиз. Масалан, талабанинг дикқати маъруза тинглашдан уни ёзишга, сунг ёзганини тушунишга, яна маъруза тинглашга тез кучиб туради. Дикқатнинг кучишини олимлар компликация деган асбоб билан улчайдилар.

ПАРИШОНХОТИРЛИК – бу дикқатнинг керак булганида бошқа обьектга тез кучмаслигидир. Паришонхотирлик дикқатнинг салбий хусусияти булиб хисобланади. Уни икки хил маънода тушиниш мумкин: бири керак булганида

диққатнинг кучмаслиги булса, иккинчиси, аксинча, унинг бир фаолият устида тухтаб турмасдан чалгиб кетаверишидир.

Биринчи хил паришонлик купрок ёзувчиларда, олимларда учрайди. Масалан, ёзувчи фикрга астойдил берилганлиги сабабли атрофидаги нарсаларни, хатто ёнидаги одам мурожаат килаётганини хам сезмайди.

Иккинчи хил паришонхотирликда одам бирор нарса устида диққатини узок туплай олмайди, бир нарсадан иккинчи нарсага, бир ходисадан иккинчи ходисага тез утиб туради. Бу холат ёш болаларда тез учраб туради, яъни улар айтилган гапни тез унутиб куяди. Диққатнинг салбий хусусиятларидан яна бири унинг чалгишидир. Диққатнинг чалгиши деганда унинг асосий фаолиятдан иккинчи даражали нарсаларга утиб кетавериши тушунилади. Масалан, синфда утирган укувчи диққатини кулдан тушиб кетган калам товуши хам, дераза оркасида эшитилаётган одам товуши хам чалгитиши мумкин.

Диққатнинг хусусиятларига унинг куламини хам кушиш мумкин. Диққат кулами жихатдан тор ва кенг булиши мумкин. Буни биз тахистоскоп деган асбобда улчаб билишимиз мумкин.

Диққат боланинг биринчи ёшиданок тараккий эта бошлайди. Дастрлаб ихтиёrsиз диққат намоён булади. Чунки бола рангдор нарсаларга, шакилдок овозига диққат килади. Ихтиёrsиз диққатнинг усиши эҳтиёж ва кизикишлар билан боғлиқдир. Лекин инсон фаолиятининг асосий кисми ихтиёрий диққат асосида амалга оширилади. Ихтиёрий диққат эса болада икки ёшлардан бошлаб курина бошлайди. Унинг шаклланишида катталарнинг роли бекиёсдир. Масалан, улар болага «буёкка кара», «гапимни эшит», «музикага кулок сол» деб гапирадилар. Катталар томонидан диққат мана шундай йуллар билан усиб боради. 3-5 ёшлардан бошлаб эса диққат боланинг уз ташаббуси билан уса бошлайди.

Богча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг усишида уйин катта ахамиятга эгадир. Чунки уйин коидаларини ва этапларини билиб олиш учун бола унга ихтиёрий диққат билан разм солиб туриши лозим. Бундан ташкари, уйдаги баъзи бир ишларга катнаштириш, уз-узига хизмат килиш кабилар хам ихтиёрий диққатни усишига ёрдам беради.

Мактаб ёшидан бошлаб эса ихтиёрий диққат жуда тез уса бошлайди. Ўқишишида – дарсни эшитиш, китоб ўқиш, масалаларни ечишда ихтиёрий диққат талаб килинади. Бундан ташкари, ўқишишидаги диққатни устириб колмасдан, балки унинг кучи, баркарорлигини усишига хам ёрдам беради.

Ирода диққатнинг баркарорлиги ва кучини саклаб турувчи асосий фактордир. Шунинг учун диққатга доир бу сифатларнинг кейинги тараққиёти хам ирода тараққиёти билан боғлиқдир.

Мавзунинг таянч тушунчалари: диққат, индукция, оптимал учок, доминанта, субдоминанта, диққатнинг кулами, диққатнинг таксимланиши, диққат кучи, диққатнинг кучиши, диққатнинг тебраниши, паришонлик.

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун тестлар:

1. Диққат – бу:
 - A) нарса ва ходисаларни яхши акс эттириш;

- Б) нарса ва ходисаларни умумлаштириб акс эттириш;
- В) хар кандай фаолиятнинг зарурий шарти;
- Г) онгимизнинг бирор объектига йуналиши ва тупланиши.

2. Диққат турлари:

- А) диққатнинг кучиб туриши;
- Б) ихтиёрий, ихтиёрсиз, мувофиклашган;
- В) тилак, истак, хохиш, орзу;
- Г) баркарор, бекарор, кучли.

3. Диққат хусусияти – бу:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) ташки ва ички;
- В) кучиши, булиниши, тебраниши;
- Г) синестезия, ихтиёрсиз, бекарор.

4. Диққатнинг нерв-физиологик асоси:

- А) анализаторлар комплекси;
- Б) муваккат бояланишлар тизими;
- В) оптималь қузголиш учоги;
- Г) шартли рефлекслар.

АДАБИЁТЛАР

1. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т.1994.
2. Умумий психология. А.Д.Петровский таҳририда. Т.1982.
3. Добринин Н.Ф. Внимание и её воспитание. М.1986.
4. Иванов П.И. Умумий психология. Т. 1969.
5. Хрестоматия по вниманию. М.1990.
6. Платонов Н.Н. Кизикарли психология. Т. 1986.
7. Гоноболин Ф.М.Психология. Т.1985.
8. Рахмонова М. Психология курсида курсатмалилик. Т. 1900.

Мавзу: С Е З Г И В А И Д Р О К

- Режса:*
1. Сезгилар хакида тушунча.
 2. Сезгиларнинг классификацияси.
 3. Сезги конуниятлари.
 4. Идрок хакида тушунча.
 5. Идрок турлари ва унинг индивидуал хусусиятлари.
 6. Иллюзия ва галлюцинация.

Теварак-атрофдаги нарсалар хакида, товушлар ва ранглар, хидлар ва харорат, микдор ва бошқа куплаб нарсалар тугрисида биз сезги органлари туфайли биламиз.

Сезги – бу оддий психик жараён булиб, у моддий оламдаги нарса ва ходисаларнинг айрим хусусиятларини, шунингдек, моддий кузготувчилар тегишли

рецепторларга бевосита таъсир этган такдирда организмда хосил буладиган ички холатларга айтилади. Материя бизнинг сезги органларимизга таъсир килиб сезги хосил килдиради.

Сезги аъзолари ахборотни кабул килиб олади, саралайди, жамлайди ва мияга етказиб беради. Мия бундай ахборотни бенихоя катта ва туганмас окимини хар дакикада кабул килиб ва кайта ишлаб туради.

Сезги аъзолари ташки оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йулларидир. Биз модданинг хеч кандай шаклини, харакатнинг хеч кандай шаклини сезгилардан бошқача йул билан била олмаймиз. Сезги аъзолари кишига теварак-атрофдаги оламда мулжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан маҳрум булиб колса борми, у узининг атрофида нималар юз берайтганини била олмас, атрофдаги одамлар билан муносабатга кириша олмас, овкатни кидириб топа олмас, хавф-хатардан кутилиб кола олмас эди.

Сезгилар моҳиятига кура объектив оламнинг субъектив сиймосидир. Лекин сезгиларнинг хосил булиши учун организм моддий кузготувчининг тегишли таъсирига берилиши кифоя килмайди, балки организмнинг узи хам кандайдир иш бажариши даркор. Бу иш ё факт ички жараёнлардан, ёки ташки харакатлардан иборат булиши мумкин. Лекин у хамиша булиши шарт. Сезгилар муайян пайт давомида рецепторга таъсир утказаётган кузготувчининг узига хос кувватини нерв жараёнлари кувватига айланиши жараёнида хосил булади.

Сезги нерв системасининг у ёки бу кузготувчидан таъсирланувчи реакциялари тарзида хосил булади ва хар кандай психик ходиса каби рефлектор хусусиятига эга. Кузгатувчининг узига айнан ухшайдиган анализаторга таъсири натижасида хосил буладиган нерв жараёни сезгининг физиоллогик асоси булиб хисобланади.

Анализатор уч кисмдан таркиб топади: 1. Ташки кувватни нерв жараёнига утказадиган маҳсус трансформатор хисобланган периферик булим (рецептор), 2. Анализаторнинг периферик булимини марказий анализатор билан боғлайдиган йулларни очадиган афферент (марказга интилевчи) ва эфферент (марказдан кочувчи) нервлар, 3. Анализаторнинг периферик булимларидан келадиган нерв сигналларининг кайта ишланиши содир буладиган кобик ости ва кобик (миянинг узи билан тугайдиган) булимлари. Сезгининг хосил булиши рефлектор ёйи туфайли булади.

Акс этиш хусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган урнига караб сезгилар одатда уч гурухга ажратилади: 1. Экстериоцептив сезгилар. Буларга ташки мухитдаги нарсалар ва ходисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ва тана юзасини сезадиган сезгилар (куриш, эшитиш, хид билиш, там билиш, тери-туйгу) киради. 2. Тананинг ички аъзоларидаги узгаришларни сезадиган интериоцептив сезгилар. Бунга органик сезгилар киради. 3. Мушаклар ва пайлардаги холатни сезадиган прориоцептив сезгилар. Бунга мускул-харакат сезгиси киради. Улар гавдамизнинг харакати ва холати хакида ахборот беради.

Экстериоцепторлар уз навбатида яна икки гурухга булинади: контакт ва дистант сезгилар. Контакт сезгиларга тери-туйгу ва таъм билиш сезгилари кирса, дистант сезгиларга куриш, эшитиш, хид билиш сезгилари киради. Ҳозирги замон фани маълумотларига асосланиб сезгиларни ташки ва ички сезгиларга булиш етарли эмас. Сезгиларнинг баъзи бир турларини ташки-ички деб хисобласа хам

булади. Уларга харорат ва оғриқ, там билиш ва тебраниш, мушак-бугин ва статик-харкат сезгилари киради.

Сезгиларга хос бир канча конуниятлар мавжуддир. Аввало сезгининг хосил булишлиги учун кузговчи маълум кучга эга булиши лозим.

Кузговчи таъсир этиши билан сезга хосил булмайди, балки орадан маълум вақт утади. Бу вақт 0,02 секунддан 0,1 секундга тенгдир.Худди шу сингари,сезги хосил булгач ,маълум муддат давом этади.Давом этиш муддатига караб сезгилар киска ва узок муддатли булади. Сезгилар кучли ва кучсиз хам булиши хам мумкин.Бу кузговчи кучига боғлиқдир.

Сезги чегараларга хам эгадир.Унинг куйи ва юкори чегараси фаркланади. Сезгирликни машқ йули билан ёки маҳсус морфий модда таъсирида кучайтиришга сенсибилизация дейилади.

Адаптация хам сезгига хос хусусиятдир. Адаптация деб сезги органларининг ташки кузговчиларга мослашишига айтилади. Адаптациянинг уч тури фарк килинади:

- 1.Кузговчининг узок вақт таъсири натижасида сезгининг йуколиб колиши.
- 2.Кучли кузговчи таъсири остида сезгининг заифлашиши.
- 3.Кучсиз кузговчи таъсири остида сезгирликнинг ортиши.

Синестезия – бу икки сезгининг яхлит бир сезги булиб кушилиб кетиши демакдир.

Идрок деб нарса ёки ходисаларнинг инсон онгига бевосита таъсир этиши натижасида тартибга солиниб,алохида сезгиларни нарса ва вокеаларни яхлит бир образи тарзида бирлаштириб акс эттирилишига айтилади.

Идрок кузговчиларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарк килиб нарсани бутунлигича, унинг хамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бундан идрок айрим сезгиларнинг оддий йигиндисидан иборатдир деган хулоса келиб чикмайди. Идрок узига хос хусусиятларга эга булган хиссий билишнинг сифат жихатидан янги босқичидир. Идрокнинг предметлилиги, яхлитлиги, маълум тартибда тузилганлиги, англанганлиги, константлиги унинг муҳим хусусиятларидир.

Идрокнинг предметлилиги деганда унинг аник бир предметга каратилишини тушунамиз.

Идрокнинг яхлитлиги деганда нарса ва ходисаларни яхлитлигича онгимизда акс эттиришни тушунамиз. Идрок сезги аъзоларига таъсир килувчи нарсаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фаркли улароқ,нарсаларнинг яхлит образидир.

Идрокнинг константлиги хам унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Константлик туфайли биз атрофимиздаги нарсаларнинг шакли, катта кичиклиги, ранги ва шу кабиларни нисбатан узгармас тарзда идрок киламиз Масалан, театрда утирган одамларнинг юзларига узокдан карасак, улар бизга узгармас, хакикий одамлардек куринади, аслида куз тур пардасига узокдаги нарсаларнинг акси кичик булиб тушади. Ёки юкори этаждан туриб пастга карасак одамлар, машиналар жуда кичик булиб куринади, лекин биз уларни уз холича идрок киламиз.

Юкорида баён килинганлардан маълумки,одамнинг тажрибаси,билими,хаёл ва тафаккурининг фаолияти,хиссийёт ва диққати,умуман одам психикасининг хамма

мазмуни идрокда намоён булади. Бу психик ҳаётнинг идрокда акс этувчи ва идрокка таъсир курсатувчи мазмуни апперцепция деб аталади.

Айни бир нарса ёки ходисани айрим кишиларнинг идрок этишида куринаған баъзи хусусиятлар апперцепция билан белгиланган булади. Бу хусусиятлар одамнинг тажрибаси ва билимларига баглик хусусиятлардир. Кишилар айни бир нарса ёки ходисани ёшлари, маълумоти, турмуш тажрибаси, касби, темперамент, характер, қобилият ва кизикишларида куринаған шахсий хусусиятларига караб ҳар хил идрок этадилар.

Идрок турларига куйидагилар киради:

1. Фазони идрок килиш.
2. Вақтни идрок килиш.
3. Харакатни идрок килиш.

Фазони идрок килиш тугрисида гапирап эканмиз, биз нарсаларнинг фазодаги шаклларини, катта-кичиклигини ва фазодаги узаро муносабатларини тушунамиз. Маълумки, фазодаги шаклларга караб уч бурчакли, турт бурчакли, куб, цилиндр кабиларга ажратилади. Нарсалар катта - кичиклига караб катта, кичик, уртacha дейилади. Фазодаги муносабатларига караб бизга нисбатан якин ёки узок, биздан унг томонда ёки чап томонда, юкорида ёки пастда дейилади.

Биз фаозони асосан кузимиз оркали идрок киламиз. Уни бир куз билан (монокуляр) ва икки куз билан (бинокуляр) идрок килиш мумкин.

Куз гавхарининг, умуман, кузнинг равшан куриш учун уйгуналашувины аккомадация деб атаймиз.

Конвергация маълум бир нарсага караганда иккала куз соккасининг каншар томон баробар бурилишидир. Идрок килинаётган нарса канчалик якин турса, куз соккалари бир-бирига, яъни каншар томонга шунчалик якин бурилади, куриш уклари хам бир-бирини шунчалик якин кесиб утади. Куз конвергенцияси айникса масофани,

йирокни, чукурликни, энг аник, расо идрок килишга имкон беради.

Фазони биз факат куриш оркали идрок килмасдан балки тери-туйгу ва мускул-харакат сезгилари оркали хам идрок киламиз. Майдарок нарсани шаклини, уларнинг катта-кичиклигини, холатини тери сезгиси билан яъни ушлаб куриб идрок киламиз.

Биз идрок килиб турган нарса ва ходисалар маълум бир вақт (замон) давомида пайдо булади, тараккий килади ва узгариб боради. Вақтни идрок килишни вақт «булакларини» соат ва хронометрик асбоблар ёрдамида улчаш деб тушуниш ярамайди. Киши худди бир хилда булган вақт булаги «минут, соат ёки кун» нинг объектив давомини хамиша бир хилда сезавермас экан. Баъзан бир соат бир дакикадай тез утиб кетади ёки бир кун бир йилдек туюлади. Биз вақтни «унинг тухтовсиз бориши, чузилиши ва давомини» идрок киладиган маҳсус бир органга эга эмасмиз. Утаётган вақт аввало атрофимиздаги нарса ва ходисаларнинг узгариб ва алмашиниб туришидан билинади. Шу сабабли вақтни идрок килиш хамма сезги аъзоларимиз фаолияти билан багланган деб айтиш мумкин.

Маҳсус машқ килиб, утаётган вақтнинг айрим хиссаларини мумкин кадар аник белгилай билиш қобилиятини устриш мумкин. И.П.Павлов итларда овкатнинг келиш вақтини хис киладиган шартли рефлекслар хосил килган эди. Бундай рефлексни одамларда хосил килиш мумкин.

Харакатни идрок килиш деб нарсаларнинг фазода урин алманишини идрок килишга айтилади. Харакатни идрок килиш ҳаётий мухим ахамиятга эгадир.

Харакатни идрок килишга имкон берадиган усуллардан иккинчиси объектнинг харакатига куз билан караб туришдир. Бунда харакат килаётган объектнинг тасвири куз тур пардасига нисбатан бир оз харакатсиз булиб колади. Бирок биз, шундай булса хам, объектнинг харакатини курамиз.

Эшитиш анализатори ёрдами билан хам хракатни идрок килиш мумкин. Бунда товуш манбаи бизга якинлашган сари товуш баланд эшитилади. Аксинча манба узоклашган сари товуш пасайиб эшитилади. Масалан, уйнинг ичида туриб кучдан машина утаётгандигини биламиз.

Иллюзия деб атрофдаги нарса ва ходисаларни нотугри идрок килишга айтилади. Буни геометрик иллюзиялар деб ном олган иллюзияларда яккол куриш мумкин. Масалан, узунлиги баровар булган икки чизикнинг бошига икки хил стрелкалар чизилса, стрелкаси ташкарига караган чизик унисига нисбатан узун булиб куринади.

Идрок килиб турган шахснинг психикасида руй берадиган узгаришлар билан боглик тасодифий иллюзиялар хам булади. Масалан, чулда сувсаган киши узокда яркираб турган шурхок ерни кул деб уйлаши ёки урмондаги тунка куркок одамнинг кузига биронта йиткич хайвонга ухшаб куриниши мумкин.

Иллюзиялар хатто нутқда хам учрайди. Масалан, goх вақтда, киши «мен бошқача тушунибман» дейди.

Галлюцинация ташки оламда йук нарсаларни идрок килишдир. Йук нарсаларнинг кузга куриниши, йук овознинг эшитилиши, йук хиднинг димокка урилиши галлюцинациядир. Галлюцинация пайтида киши гуё бир нарсанни аник кургандек, эшитгандек, ушлагандек, ис билгандек туюлади.

Мавзунинг таянч тушунчалари: сезги, сизгирилик, адаптация, синестезия, анализатор, рецептор, сенсибилизация, конперсаторлик, идрок, константлик, апперцепция, иллюзия, галлюцинация, перцептив идрок.

Мавзу бўйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Сезги ва идрокнинг нерв-физиологик механизмини тушунтиринг.
2. Сезгиларни классификация қилиб беринг.
3. Сезгиларга хис қонуниятлар қайсилар?
4. Идрок хусусиятлари қайсилар?
5. Идрок турларини сананг.

АДАБИЁТЛАР

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. Т., 1992. 269-317 бетлар
2. Иванов П.И. Умумий психология. Т., 1969. 98-164 бетлар
3. Анаев Б.Г. Психология чувственного признания. М., 1978
4. Кравков .С.В. Глаз и его работа. М., 1978
5. Артомонов.И.Д Иллюзия зрения.М., 1985

6. Хрестоматия по ощущению и восприятию М., 1975.
7. Гоноболин Ф.Н. Психология .Т. , 1976. 54-73 бетлар.

Мавзу: ХОТИРА

Режса:

1. Хотира тўғрисида тушунча ва хотира назарияси.
2. Хотира жараёнлари.
3. Хотира типлари ва уларнинг инвидиуал хусусиятлари.
4. Хотира ва шахс фаолияти.
5. Хотира ва тафаккурнинг боғлиқлиги.
6. Хотиранинг ўсиши.

Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар мавжуд бўлади. Шу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади.

Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивиуал тажриба орттиришга боғлиқдир. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ – автори унинг бутун ҳаётий тажрибаси билан белгиланади.

Хотира психологиянинг энг кўп ўрганилган бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳозирги пайтда хотиранинг қонуниятлари янада ўрганилиши уни фаннинг тағин ҳам муҳимроқ муаммосига айлантириб қўйди.

Ҳозирги кунда хотиранинг механизмлари ва қонуниятларини ўрганиш буйича учта назария мавжуддир. Булар психологик, нейрофизиологик хамда биохимик назариялардир.

Психологик назария. Бу назария тарихий жиҳатдан энг эски назария бўлиб, у фанда кўп ва турли – туман назарияларнинг олға сурилганлиги билан машҳурдир. Бу назарияларни хотира жараёнларининг шаклланганида инсоннинг фаоллиги қандай роль ўйнашлиги ва бунда фаолликнинг моҳиятига қандай ёндошув зарурлиги билан баҳолаш мумкин.

Назариянинг биринчи гуруҳи ассоциатив назария деб юритилади. Бу назарияга кўра, муайян психик ҳосилалар онга бир вақтнинг ўзида ёки бевосита бирин-кетин пайдо бўлса, у ҳолда ҳосилалар ўртасида ассоциатив болганишлар таркиб топади ва бу болганишларни бирон бир кисми такроран пайдо бўлиши онга унинг барча элементлари муқаррар равишда гавдаланишига олиб келади. Ассоциациялар учтурли бўлади: ўхшашлик, ёндошлиқ ва қарама – қаршилик ассоциациялари.

Нейрофизиологик назариялар. Бу назариялар хотиранинг механизмлари ҳақидаги физиологик назариялар билан боғлиқдир. Бу назариянинг асосини И.П.Павловнинг «Олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақида» ги таълимотининг энг муҳим қоидалари ташкил этади. Бу таълимотга кўра хотиранинг нерв – физиологик

механизмини бош мияда ҳосил бўладиган муваққат боғланишлар ташкил этади. Ана шу боғланишлар қанчалик мустаҳкам бўлса, эсда олиб қолиш ҳам шунчалик яхши бўлади. Ана шу муваққат боғланишларнинг қайтадан жонланиши эсга туширишга, сўниб, йўқ бўлиб кетиши эса унутишга сабаб бўлади.

Биохимик назария. Ҳозирги кунда хотиранинг механизмларини урганишнинг нейрофизиологик усули биохимик тадқикотлар даражасига тобора якинлашиб ва кушилиб кетмокда. Бу усул ушбу фанларнинг узаро туташган жойида олиб борилаётган куплаб тадқикотларда уз тасдигини топди.

Биохимик назариянинг моҳияти куйидагидан иборат. Биринчи босқичда (кузговчининг бевосита таъсиридан сунг) мия хужайраларида асл холига кайтувчи физиологик узгаришларни келтириб чикарадиган киска муддатли электрохимик реакция юз беради. Иккинчи босқич биринчи босқич негизида юзага келиб, аслида у янги оксил моддаларнинг ҳосил булиши билан бөглик булган биохимик реакциядан иборатdir. Биринчи босқич секундлар ёки минутлар мабойнида давом этади ва уни киска муддатли эсда олиб колишнинг физиологик механизми деб хисоблайдилар. Хужайраларда кайтарилимайдиган узгаришларга олиб келадиган иккинчи босқич узок муддатли хотиранинг механизми хосбланади. Бу назария тарафдорлари ташки кузговчилар таъсири остида нерв хужайраларида руй берадиган узига хос химиявий узгаришларнинг изларини мустахкамлаш, эсда саклаб колиш ва яна кайта эсга тушуриш жараёнлари механизмларининг асосини ташкил этади.

ХОТИРА ТУРЛАРИ

Хотиранинг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятининг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар ҳил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қиласди. Бунда хотира учта мезонга мувофиқ бўлинади:

1. Психик фаоллик хусусиятига кура харакат, эмоционал образли ва сўзмантиқли турларига бўлинади.
2. Фаолият максадига кура ихтиёрли ва ихтиёрсиз турларга бўлинади.
3. Материалларни қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кура, киска муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади.

Ҳаракат хотираси – турли ҳилдаги иш-ҳаракатлар ва уларнинг системасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, яна қайта эсга туширишдан иборатdir.

Эмоционал хотира – ҳис – туйғуга ғос хотирадир. Ҳис – туйғулар ҳамиша бизга эҳтиёжларимиз ва қизиқишлиаримиз қандай қондирилаётгани, бизнинг теварак – атрофдаги оламга муносабатимиз қандай йўлга қўйилганлиги ҳакида ҳабар бериб туради. Шунинг учун ҳам ҳиссий хотира ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Образли хотира тасаввурларни, табиат ва ҳаёт манзараларини, шунингдек, товушларни, хидларни, таъмларни эсда олиб қолишдан иборат хотира хисобланади. У қўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билишга оид хотирадир.

Сўз – мантиқ хотира бизнинг ўй – фикрларимиз мазмунини ташкил этади. Фикрлар эса нутқсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларга оид хотира ҳам шунчаки мантиқий деб эмас, балки сўз – мантиқ хотира деб аталади.

Хотирани ихтиёrsиз ва ихтиёрий турларга бўлган эдик. Бирон нарсани эсда олиб қолиш ёки эслаш учун маҳsus мақсад қўймаган ҳолда эсда олиб қолиш ва яна қайта эсга тушириш ихтиёrsиз хотира деб аталади. Олдимизга биронта мақсад қўйиб эсда олиб қолганимизда ихтиёрий хотира бўлади.

Учинчи гурух хотирага киска муддатли, узок муддатли ва оператив хотиralар киради. Киска муддатли хотира материални куп марталаб такрорлаш ва қайта эсга туширишлар оркали узок вақт эсда олиб колиниши билан ажралиб турадиган узок муддатли хотирадан фаркли улароқ, бир мартагина жуда киска вақт мабойнида эслаб колиш билан белгиланади.

Оператив хотира тушунчаси киши томонидан бевосита амалга оширалаётган долзарб вазифалар, харакатлар, ишларга хизмат киладиган мнемик жараёнларни англатади. Качонки биз бирон мураккаб харакатни, мисол учун арифметик амални бажараётган булсак, у ҳолда, уни кисмларга булакларга ажратган ҳолда бажарамиз. Бунда ишни бажариш давомида айrim оралик натижаларни «ёдимиизда» саклаб борамиз.

Эсда олиб колишни хотиранинг янги материални илгари узлаштирилган материал билан бoggаш оркали эсда саклаб колинишига олиб келадиган жараён сифатида таърифлаш мумкин. Бу шахс тажрибасини янги билимлар ва хулк-автор шакллари билан бойитишининг зарур шартидир. Эсда олиб колиш хамиша танланган булади. Сезги аъзоларимизга таъсир киладиган барча нарсалар хам эсда олиб колинавермайди.

Эсда олиб колиш киска муддатли ва узок муддатли хамда ихтиёrsиз ва ихтиёрий турларга булинади.

Оператив эсда олиб колиш деб аталадиган эслаб колишни киска ва узок муддатли эслаб колиш уртасидаги оралик даражаларидан бири деб хисоблаш мумкин. Оператив эсда олиб колишни кишининг одатдаги харакатларига хизмат килувчи хотира жараёни деб таърифлаш мумкин. У киши бажараётган харакатнинг хар бир конкрет жараёнида бирон натижага эришиш шароитларидан бири сифатида юз беради.

Узок муддатли хотирага шахс фаолиятининг ҳаётий мухим максадларига эришишда тактик жихатдагина эмас, балки стратегик жихатдан ахамият касб этган ахборот келиб туради.

Психологияда, юкоридагилардан ташкари, ихтиёrsиз ва ихтиёрий эсда олиб колиш фарқ килинади.

Ихтиёrsиз эсда олиб колиш – билиш ва амалий харакатларни амалга оширишнинг маҳsusли ва шартидир. Бунда эсда олиб колиш уз холича бизнинг максадимиз сифатида юзага чикмаганлиги сабабли беихтиёр эсимизда олиб колинган жамики нарсалар хусусида одатда «узидан-узи эсда сакланиб колган экан» деймиз.

Ихтиёрий эсда олиб колиш – маҳsus мнемик харакатлар, яъни асосий максади эсда олиб колишдан иборат булган харакатлар маҳsusлидир. Маҳsus утказилган тадқикотлар материални айнан, тула ва изчил эслаб колиш вазифасининг аник килиб куйилиши ихтиёрий эсда олиб колишнинг асосий шартларидан бири эканлигини курсатди.

Қайта эсга тушириш.

Утмишда идрок килинган нарсаларнинг, хис-туйгу, фикр ва иш-харакатларнинг онгимизда кайтадан тикланишига эсга тушуриш дейилади. Эсга тушуришнинг нерв-физиологик асоси мия пустида илгари хосил булган нерв бодланишларининг кайтадан кузголишидир.

Эсда тушуриш бир неча хил булади:

1. таниш.
2. эслаш.
3. бевосита эслаш.
4. орадан вақт утказиб эслаш.
5. ижтиёrsiz эслаш.
6. ихтиёрий эслаш.

Таниш деб илгари идрок килган нарсаларни такрор идрок килганда у нарсанинг эсга тушишига айтилади.

Эслаш нарсани, унинг узини шу пайтда идрок килмай туриб эсга тушуришдир.

Бевосита эсга тушуриш материални укиб чикиш биланок, бошқа хеч нарсани уйламасдан, шу пайтнинг узидаёт эсга тушуришдир.

Орадан вақт утказиб эсга тушуришда бирор материал орадан бир неча кун, хатто бир неча ой утказиб эсга туширилади.

Бирор нарсани эсга тушуриш беихтиёр ва ихтиёрий булиши мумкин. *Ихтиёrsiz* эсга тушуриш деганда кишининг уз олдига максад куймасдан, иродавий куч сарф этмасдан эсга тушуришга айтилади.

Ихтиёрий эсга тушуриш бирор максад билан эсга олиниши керак булган материални танлаб, атайлаб харакат килиб, маҳсус эсга тушуриш демакдир.

Эсда саклаш ва унумтиши.

Эсда саклаш дейилганды илгари пайдо булган таассурот, фикр, хис-туйгу ва иш-харакатнинг жонланиб, такрорланиб туришига мойиллик пайдо килиши ва мустахкамланишини тушинамиз. Шундай мустахкамланишга сабаб нерв системасининг пластиклигидир.

Биз укиб олган материал уни эсда олиб колган вақтда мазмунан ва шаклан кайдай булган булса, албатда айнан шундайича сакланиб туравермайди. Лекин айрим формулалар, таърифлар, купайтириш жадваллари, машина ва телефон номерлари миямида айнан сакланиши хам мумкин.

Унумтиши – илгари эсда олиб колган нарсаларимизнинг онгимиздан кисман ёки тамоман йуколишидир. Унумтиш кисман ва бутунлай булса хам, у качондир яна эсга тушади.

Унумтиши тамоман салбий ходиса деб тушуниш ярамайди. Чунки кераксиз нарсалар унумтилиб, мия бушаши хам лозим. Айникса, турли гам-гуссалар тезда унитилмаса, кишини умр буйи кийнаши, азоблаши мумкин.

Шунга карамай, унумтиши карши кураш олиб бориш лозим. Бунинг учун материални тез-тез такрорлаб туриш, уни турмушга, амалий фаолиятга тадбик килиб бориш, урганилаётган материални олдингилари билан бодлаб бориш ва бошқа усуулларни куллаш зарур.

Хотира типлари.

Хар кимнинг узига хос хотира хусусиятлари мавжуд. Хотирадаги бу фарқ унинг кучида ифодаланади. Бирорда хотира кучли булса, бошқа бирорда кучсиздир.

Хотиранинг кучли ёки кучсиз булишини биз эсда колдириш ва унутишнинг тезлик даражасига караб белгилаймиз. Тез эсга олиб, жуда секин унутыш кучли хотиранинг белгиси булса, секин эсда олиб колиб, тез унутыш кучсиз хотира белгисидир. Шунга караб кишилардаги хотирани турт типга буламиз:

Эсда колдириш		Унитиш
Тез		Секин
Секин		Секин
Тез		Тез
Секин		Тез

Хотирани яна куриш, эшитиш, харакат деган типларга хам ажратиш мумкин. Лекин соф хотира кам учраб, купрок аралаш хотира (куриш- харакат, куриш-эшитиш, харакат-эшитиш каби) хиллари учрайди.

Хотиранинг юкорида санаган бу типлари тугма, узгармайдиган нарса эмас, балки уни тарбиялаш, узгартериш, кучли хотира килиш мумкин.

Мавзунинг таянч тушунчалари: курув хотираси, хотира тасаввури, механик хотира, феноменал хотира, эсда колдириш, эсда саклаш, унитиш, таниш, эслаш, образли хотира, эмоционал хотира, мантикий хотира.

Талабалар билимини синаш учун тестлар:

1. Хотира – бу:

- А) олдин кабул килинган тасавурларни эсда саклаш;
- Б) инсоннинг билим ва тажрибаларни эгаллаш, эсда саклаш, эсга туширишдан иборат билиш фаолияти;
- В) утмишдаги вокеаларни амалий фаолиятда куллаш жараёни;
- Г) дунёни умумлаштириб мияда акс эттириш жараёни.

2. Фаолият максадига кура хотира тури:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) харакат, эмоционал, образли;
- В) киска ва узок муддатли;
- Г) оператив, суз-мантиқ.

3. Психик фаоллигига кура хотира тури:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) харакат, эмоционал, образли, суз-мантиқ;
- В) киска ва узок муддатли, оператив;
- Г) сезган, идрок килган буюмларни хотиралаш.

4. Хотира жараёнини аниклаш:

- А) утмиш нарсани урганиш ва тажриба орттириш;
- Б) эсда олиб колишиб, эсда саклаш, эсга тушириш;
- В) маъносига тушуниб, тушунмай эслаш;
- Г) вокеанинг булиб утган жойи, вақтини эслаш.

Мавзу: Х А Ё Л

- Режа: 1. Хаёл хакида тушиунча.*
- 2. Хаёл турлари.*
- 3. Хаёлнинг аналитик-синтетик фаолияти.*
- 4. Хаёлнинг индивидуал хусусиятлари.*

Хаёл тафаккур сингари юксак даражада ривожланган билиш процеслари жумласидан булиб, у инсонларгагина хос жараёндир. Хаёл инсон фаолиятининг турли сохаларида мухим роль уйнайди. Чунки меҳнатнинг натижасини аник тасаввур килмасдан туриб киши ишга киришмайди. Меҳнатнинг булажак натижасини хаёл ёрдамида олдиндан кура билиш эса инсон фаолиятининг хайвонлар инстинктив харакатларидан туб фарки булиб хисобланади. Хар кандай меҳнат жараёнида хаёл фаол иштирок этади. Хаёл айникса бадиий, илмий, адабий, техник, конструкторлик фаолиятлари, умуман ижодий фаолиятнинг энг мухим томони булиб хисобланади.

Хаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва асосий вазифаси меҳнатнинг булажак натижасини (масалан, столни тайёр холатда) олдиндан кура билиш билан бирга, унинг оралиқ маҳсулотларини (стулга керакли барча деталларни бирин-кетин ясаш) хам олдиндан аник тасаввур кила олишдан иборатdir. Бундан ташкари, хаёлнинг вазифаси узимиз бевосита курмаган, идрок килмаган нарса ва ходисаларнинг образларини миямизда гавдалантиришдан хам иборатdir.

Хаёл деб биз илгари идрок килмаган, тажрибамиизда учратмаган нарса ва ходисаларнинг образларини мавжуд хотира тасаввурлари асосида миямизда яратишда ифодаланадиган фаолиятга айтилади. Турмушнинг муайян бир шароити, одамнинг билиш, амалий, ахлокий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари хаёл жараёнига сабаб булади. Маълумки, кишилар утмишда табиат бераётганига каноат килмай, уни узгартириш, кайта куриш ва ундан купрок нарсаларни ундириб олиш учун хаёл сурғанлар. Натижада хаёлларида янги-янги меҳнат куроллари образларини яратганлар, бу образлар асосида эса уша куролнинг узини ясаганлар. Демак, дастлаб хаёл образлари табиатни узгартиршга эҳтиёж сезиш туфайли кишиларда пайдо булган.

Тафаккур ухшаб хаёл хам муаммоли вазият, яъни эҳтиёжларни кондириш учун янги-янги усуллар кидириш жараёнида вужудга келади. Бошқача айтганда, эҳтиёжни кондириш учун эҳтиёж сезаётган нарсани аник, равshan тасаввур килиш лозим булади. Хаёл жараёни оркали борликни акс эттириш аник образлар шаклида, аник тасаввурлар шаклида булса, тафаккур жараёни оркали акс эттириш тушунчалар оркали булади. Купинча бирор эҳтиёжни кондириш учун килинаётган фаолият жараёнида хаёл ва тафаккур баровар иштирок этади, яъни хар бир харакат фикр юритиш оркали амалга оширилиши билан бирга, харакат усуллари яккол тасаввур килиб хам турилади.

Юкоридагилардан шундай хulosага келиш мумкинки, хал килиниши лозим булган нарса канчалик ноаник, норавшан булса, хаёлнинг роли шунча ортади ёки аксинча. Хаёлнинг яна кимматли томони шундаки, етарли билимга эга булмасдан туриб хам муаммоли вазият пайтларида карор кабул килиши ва уни бажаришга йул топиши мумкин. Тафаккурда эса чукур билимсиз муаммоли масалаларни хал килиб булмайди.

Одатда турли сохаларга оид ахборотларнинг етарли булмагани кишини хаёл суришга олиб келади. Агар у хамма нарсани билганда эди хаёл сурмас, фаол равишда хаёл образлари яратмас эди. Бизни ураб олган оламда урганилмаган нарсалар канчалик куп булар экан, хаёл шунчалик инсон учун фойдали булиб колаверади.

Хаёл турлари

Хаёл яратган образларининг мазмуни жихатдан тасаввур хаёл ва ижодий хаёлга булинади.

Тасаввур хаёл деб хозир ёки утмишда булган булсада, лекин хали бизнинг тажрибамиизда учрамаган ва биз идрок килмаган нарса ва ходисалар тугрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат булган хаёл турига айтилади.

Укувчилик билимларни узлаштиришда тасаввур хаёл образларидан кенг фойдаланадилар. Чунки уқитувчининг тарих, география, адабиёт материалларини гапириб, тасвирлаб бериши асосида укувчилик у нарсаларнинг образларини куз олдиларига келтирадилар ва узлаштирадилар.

Ижодий хаёл деб бизнинг тажрибамиизда булмаган ва вокеликнинг узида хам учрамаган нарса ва ходисалар хакида тасаввур ва образлар яратишдан иборат булган хаёл турига айтилади. Ижодий хаёл туфайли санъат, адабиёт, техника сохаларида янгиликлар яратилади. Чунки ижодий хаёл образлари тамоман янги, оригинал образлар булади.

Ижодий хаёлнинг узига хос хусусияти шундаки, аввало яратилаётган образ хакикатда йук, бирон янги образ булади. Сунгра жамиятнинг ёки шу кишининг эҳтиёжлари шу образнинг яратилишига кишини рагбатлантиради. Ижодий хаёл сузларда ва моддий нарсаларда гавдалантирилади. Орзу ва ширин хаёл суришлар ижодий хаёлнинг алохида турларидир.

Орзу ижодий хаёлнинг келажакка каратилган фаолиятидир. Демак, у оркали истиқбол образлари яратилади.

Хаёл узининг пайдо булишига кура ихтиёrsиз ва ихтиёрий булади.

Ихтиёrsиз хаёлда олдиндан белгиланган максад булмайди, унда ирова фаол иштирок этмайди, образлар уз-узидан пайдо булади.

Ихтиёrsиз хаёл аввало шу пайтда кондирилмаган эҳтиёж туфайли хосил булади. Масалан, киши чулу-биёбонда кетаётиб каттик чанкаса, унинг куз олдига водапровод, булок, арик сувларининг образи келаверади.

Ширин хаёл суриш ва орзу хам ихтиёrsиз вужудга келади. Кечаси ухлаб ётгандаги туш куриш туфайли хилма-хил образларнинг куз олдимизга келиши хам ихтиёrsиз хаёл материалларидир.

Ихтиёрий хаёл суришда киши олдига куйган максади асосида хаёл суриб, атайлаб образлар яратади. Масалан, ёзувчининг янги асар яратишида сурган хаёллари ихтиёрий хаёлдир. Умуман олганда, санъат асарларининг барчаси ихтиёрий хаёл натижасидир.

Ихтиёрий хаёл бирорларнинг турткиси, топшириги билан хам вужудга келиши мумкин.

Хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларига асосланган холдагина пайдо булади. Масалан, биз шу ерда сувлар, музлар, совукларни курмаганимизда, улар хакида

тасаввурга эга булмаганимизда эди, шимолий муз океанини хам куз олдимизга келтира олмаган булар эдик.

Лекин хаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг куз олдимизда гавдаланишидангина иборат эмас, балки хотира тасаввурлари кайта ишланиб, мутлако янги тасаввурлар вужудга келади.

Хаёлнинг синтез килувчи фаолиятининг оддий шакли агглютинациядир. Агглютинация айрим элементларни ёки бир неча буюмларнинг кисмларини битта образ килиб кушиш ва шуларнинг комбинациясидир.

Хотира тасаввурларини кайта ишлаб хаёл образлари яратишда нарсаларни катталаштириш ёки кичрайтириш жараёнлари вужудга келади. Масалан, эртакларда айрим кишилар хаёл образлари туфайли буйи теракдай, корни бучкадай, белига кирк газ аркон етмайдиган килиб тасвиранади.

Хаёл натижасида буюмнинг фактати бир кисмини катталаштириш ёки кичрайтириш акцентировка деб айтилади. Бу купрок карикатура асарларида учрайди.

Тип – индивидуал образдир, аммо бу образда бутун бир гурӯх, синф, миллат кишиларининг энг характерли белгилари бирга кушилиб яхлит акс эттирилади.

Хаёлнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, у узок-узокларга парвоз кила олади. Хаёл образлари оркали биз узок утмишга назар ташлаб, тарихий воеаларни, тарихий шахсларни куз олдимизга келтиришимиз ёки келажакка назар ташлаб, уз баҳтили келажагимизнинг образлари ва идеалларини яратишими мумкин.

Бу жараёнларнинг хаммаси нуткимиз ва тафаккуримиз билан бирга булади. Шунинг учун хаёл жараёнларида нутк ва тафаккур катта роль уйнайди.

Хаёл образларининг вужудга келиши – бу инсон мияси фаолиятининг натижасидир. Хаёл ва бошқа барча психик жараёнлар катта ярим шарлар пустининг фаолиятидир.

Хаёл кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги жихатдан кишиларда фарқ килади. Хаёлнинг кенглиги вокеликнинг кишилар хаёл фаолияти учун объект буладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Алишер Навоий, Хамза Ҳакимзоданинг хаёли ана шундай кенг хаёлга мисолдир. Масалан, Хамза адабиётнинг турли соҳаларида унумли ижод кила олган. Чупон ҳаёти, пахтакорлар, бобгонлар, ишчилар ҳаётидан асарлар ёзадиган ёзувчиларни хам кенг хаёлли деб айтишимиз мумкин.

Хаёлнинг мазмундорлиги бирор объектга нисбатан хаёлда тугилаётган тасаввурларнинг бойлиги, хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан белгиланади. Хаёлнинг кенглиги купинча мазмундорлик билан боблик булиб, кенг хаёл мазмундор хам булади.

Хаёл кучли ва кучсиз булади. Унинг кучи идрок образларига канчалик якин туришига караб белгиланади.

Хаёл кучи хиссиётга боблик булади. Кишининг хиссиёти канчалик кучли, эҳтиросли булса, хаёл образлари хам шунчалик кучли, ёркин ва жонли булади.

Хаёл образлари кишининг умумий холатига хам боблик. Киши касал вақтида хаёл образлари кучлирок, жонлирок булади. Натижада галлюцинация юз беради. Галлюцинация аслида кучли хаёл образларидир.

Вокеликни тугри акс эттирадиган хаёл реал хаёлдир, нотугри акс эттирадиган хаёл хом хаёлдир.

Инсон фаолиятининг хамма турларида: уйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда хаёлнинг ахамияти каттадир. Болаликдаги уйинлар – асосан, болалар фантазиясининг намоён булишидир. Болаларнинг ижодий уйинларида уларнинг организми камол топади ва мустахкамланади, акли, иродаси, маънавий ва эстетик хислари усади.

Хаёлнинг булиши инсоннинг хар кандай ишни ижодий бажаришга ёки бу ишга ижодкорлик элементларини киритишга имкон беради. Акс холда меҳнатнинг хар бир тури илгари урганиб олинган усуллар ва харакатларни шунчаки такрорлаш йули билангина бажарилиши мумкин.

Илмий тадқикотларда хам хаёл катта роль уйнайди. Чунки турли илмий гипотезалар хаёл туфайли яратилади. Хаёл булмаганда эди кишлоқ хужалигида новаторлик, техникада ихтирочилик ва санъатда янгиликлар яратиш мумкин булмаган булур эди. Албатта, реал ва ижодий хаёлгина инсон фаолиятида ана шундай ижобий роль уйнайди.

Мавзунинг таянч тушунчалари: хаёл, тасаввур хаёл, хаёлнинг реалиги, галлюцинация, гиперболизация, типикалаштириш, акцентировка, орзу, схемалаштириш, киёслаш, анализик, синтетик.

Мавзу буйича талабалар билимни синаш учун саволлар:

1. Хаёлнинг инсон ҳаётидаги ахамиятини тушунтиринг.
2. Хаёл турларини синаб беринг.
3. Хаёл образларининг хосил булиш йулларини тушунтиринг.
4. Хаёлнинг индивидуал фарклари кайсилар?

А д а б и ё т л а р

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т., 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида”ги Конуни. Т., 1997.
4. Фозиев Э. Психология. Т., 1994.
5. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т., 1997.
6. Умумий психология. А. В. Петровский таҳририда. Т., 1992.
7. Иванов П.И. Умумий психология. Т., 1969.
8. Рахмонова М. Психология курсида курсатмалилик. Т., 1988.
9. Платонов К.К. Кизикарли психология. Т., 1982.

МАВЗУ: ТАФАККУР

Режса:

1. *Тафаккур хакида тушунча. Тафаккур ва хиссий билиши.*
2. *Тафаккур операциялари.*
3. *Тафаккур шакллари.*
4. *Тафаккур турлари.*
5. *Тафаккур ва муаммоли вазият.*
6. *Тафаккурни тадқик этишининг ижтимоий ахамияти.*

ТАФАККУР ВА ХИССИЙ БИЛИШ.

Ташки оламдаги вокеиликни сезги, идрок ва тассавур жараёнлари оркали билиш мухим ахамият касб этади, лекин урганилаётган нарса ва ходисаларни атрофлича чукур акс эттириш учун булар хали етарли эмас. Чунки уларнинг узаро муносабатлари, сифат ва микдор узгаришлари, мураккаб ички бояланишлари, узаро таъсири этиш хоссаларини бевосита кузатиш ёки хиссий образлар ёрдамида аниклаш имконияти йук.

Мадомики шундай экан, субъектнинг билиш /англаш/ лозим булган объект билан узаро таъсирини бевосита акс эттириш йули оркали булакларга ажратиш имконияти чекланганлиги сабабли хиссий билиш босқичидан аклий босқичга, яъни тафаккурга утиш зарурати тугилади. Фикр юритиш ёрдамида атроф – мухитни чукуррок билиш, нарсалар, вокеалар ва ходисалар уртасида мавжуд булган узаро ички муносабатлар, бояланишларни аниклаш проблематик тарзда намоён булади. Инсон олдида проблема – муаммо вужудга келмас экан, у холда тафаккур жараёни хосил булиши мумкин эмас.

Шундай килиб, инсон узининг билиш фаолиятида вокеиликнинг мураккаб жихатларини хиссий босқич ёрдами билан акс эттира олмай колганда тафаккурга, фикр юритишга мурожаат килади.

Инсоннинг билиш фаолиятида сезги, идрок, тассавур образлари билан тафаккур узаро узликсиз равишда бир – бирини бойитиб туради. Ана шунга биноан билиш жараёнининг хиссий ва аклий босқичлари мавжуддир.

Тафаккур, сезги ва идрокдан фарқ килиб, бир нечта хусусиятга эгадир. Унинг биринчи хусусияти вокеиликни умумлашган холда акс эттиришdir.

Тафаккурнинг иккинчи мухим хусусияти бояланишларни бевосита акс эттиришdir. Бу хусусият туфайли табиат ва жамиятдаги турли ходиса ва вокеалар уртасидаги бояланишларни тушунтириш имкониятига эга буламиз.

Тафаккурнинг учинчи хусусияти суз /нутк/ оркали нарса ва ходисалар уртасидаги мураккаб муносабатларни акс эттиришдан иборатdir. Инсоннинг фикр юритиши бир ва ундан ортик сузлар, тушунчалар воситасида ифодаланади. Шунинг учун одам уйлаётганда уз фикрини айтаётгандек, гапираётганда эса фикр юритаётгандек туйилади.

Эргаш Фозиев узининг «Тафаккур психологияси» /Тошкент, «Уқитувчи» нашриёти, 1990 йил/ китобида та факкурга куйидагича таъриф берган. «Тафаккур атроф мухитдаги вокеликни нутк ёрдами билан бавосита, умумлашган холда акс эттируви психик процесс, социал сабабий бояланишларни англашга, янгилик

очишига ва прогноз килишга йуналтирилган аклий фаолиятдир». Бизнингча, ушбу таърифда тафаккурнинг энг мухим хусуситялари ва функциялари санаб утилган.

ТАФАККУР ЖАРАЁНЛАРИ

Тафаккур куйидаги жараёнларда юз беради.

1. Анализ ва синтез.
2. Таккослаш.
3. Абстракциялаш.
4. Умумлаштириш.
5. Конкретлаштириш.
6. Классификациялаш.
7. Системалаштириш.

АНАЛИЗ – шундай бир тафаккур жараёни, унинг ёрдами билан биз нарса ва ходисаларни фикран ёки амалий равишда булиб /ажратиб/, уларнинг айrim кисмлари ва хусусиятларини тахлил киламиз.

СИНТЕЗ – шундай бир тафаккур жараёнидирки, биз нарса ва ходисаларнинг анализда булинган айrim кисмлари, булакларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун холга келтирамиз.

Анализ ва синтез узаро бевосита мустахкам болгланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ходисалар анализ килинмаган булса, уни синтез килиб булмайди, хар кандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун холда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

ТАККОСЛАШ – шундай бир тафаккур жараёни, бу жараён воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг бир – бирига ухшашлиги ёки бир – биридан фарки аникланади.

Абстракциялаш шундай бир тафаккур жараёни, бу жараён ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ходисаларнинг мухим хусусиятларини фарклаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ходисаларнинг мухим булмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташлаймиз.

УМУМЛАШТИРИШ деганда психологияда нарса ва ходисалардаги хосса, белги, хусусият, аломатларни топиш ва шу умунийлик асосида уларни бирлаштириш тушунилади.

Умуний, мавхум белги ва хусусиятларни якка, ёлгиз объектларга тадбик килиш конкретлаштириш дейилади. Бундан ташкари, мавхум тушунчаларни конкрет предметларга боғлаш хам конкретлаштириш булиб хисобланади.

Фанда нарса ва ходисаларнинг табиатини ифодаловчи муайян белги асосида килинган фикр юритишни *КЛАССИФИКАЦИЯ* деб аташ кабул килинган.

Классификация килишнинг якуни системалаштириш булиб хисобланади. Системалаштиришга кутубхонадаги китобларнинг жойланиши мисол була олади. Масалан, кутубхонада педагогикага оид адабиётлар бир томонда, психологияга оидлари яна бир томонда жойлашган булади. Системалаштириш инсон ишини осонлаштиради. Натижада киши нимани каердан излашни билади. Турмушда хар кадамда системалаштиришни куришимиз мумкин.

ТАФАККУР ШАКЛЛАРИ

Тафаккур шаклларига хукм, тушунча ва хulosса чикариш киради. Нарса ва ходисаларнинг белги ва хусусиятлари хакида тасдиклаб ёки инкор килиб айтилган фикр *ХУКМ* деб айтилади. Масалан, баҳорда дараҳтлар барг ёзади.

Борликдаги нарсалар, ходисалар ва воказийнинг микдорига, уларнинг бирор хукмда акс этиши ва алоқа ҳамда муносабатларига караб улар куйидаги турларга булинади:

1. Тасдиковчи ёки инкор килувчи хукм.
2. Якка, жузъий ва умумий хукм.
3. Шартли, айирувчи ва катъий хукм.
4. Тахминий хукм.

Нарса билан белгининг алокаси акс этган хукм *ТАСДИКЛОВЧИ* хукм дейилади. Масалан, Алишер Навоий буюк узбек шоири, мутафаккири. Нарса билан белги уртасидаги боғланиш йўклигини ифодаловчи хукм *ИНКОР* хукм деб аталади. Масалан, Ўзбекистонда пахта экилмайди. Самарканда олий мактаблар йук каби.

Якка нарса хакидаги хукм *ЯККА* хукм дейилади. Масалан, Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти. Агар хукмимиз бир гурӯҳ нарсаларнинг баъзиларига таалукли булса уни *ЖУЗЪИЙ* хукм дейилади. Масалан, бугун баъзи талабалар дарсга кеч колдилар. Бордию бизнинг хукмимиз бир гурӯҳ нарсаларнинг барчасига таалукли булса *УМУМИЙ* хукм дейилади. Масалан, Ўзбекистон фуқаролари тинчлик учун курашмокдалар.

Хulosса чикариш деб бир неча хукмлардан алоҳида хукм келтириб чикаришга айтилади. Масалан, Барча сайёralар харакат килади. Ер – сайёра. Демак, Ер ҳам харакат килади.

ХУЛОСА ЧИКАРИШ уч турли булади: индуктив, дедуктив ва аналогик. *ИНДУКТИВ* хulosса чикариш деб бир неча якка хукмлардан умумий хукм келтириб чикаришга айтилади. Масалан, Темир электр токини утказади. Мис электр токини утказади. Кургошин электр токини утказади. Булар металлардир. Демак, металлар электр токини утказади.

ДЕДУКТИВ хulosса чикариш деб умумий хукмдан якка ёки жузъий хукм келтириб чикаришга айтилади. Масалан, Дараҳтлар баҳорда гуллайди. Урик – дараҳт. Демак, урик баҳорда гуллайди.

АНАЛОГИК хulosса чикариш деб предметнинг ухшаш белгиларига караб хulosса чикаришга айтилади.

ТУШУНЧА нарса ва ходисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрdir. Уй, куприк, коинот, дараҳт кабилар тушунчалардир. Тушунчалар одатда конкрет ва абстракт булади. Конкрет тушунчаларга парта, доска, шкаф, мель, дераза кабилар кирса, абстракт тушунчаларга эса муҳаббат, баҳт, гузаллик, узунлик, баландлик, кенглик, харакат кабилар киради.

Тушунчалар кулами жихатдан уч турга булинади: якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тупланма тушунчалар.

ЯККА тушунча деб якка предмет ёки ходиса хакидаги тушунчага айтилади. Масалан, Алишер Навоий, Кукон, Сирдарё, Собир Рахимов кабилар. *УМУМИЙ*

тушунча деб бир жинсда булган нарса ва ходисалар туплами хакида яхлит фикр юритишга айтилади. Масалан, китоб, мактаб, студент, успирин, юлдуз ва бошқалар.

ГУПЛАНМА тушунча деб бир хил нарсаларнинг тупламига айтилади. Масалан, кутубхона, пахтазор, йигилиш кабилар.

Фикр юритишида тушунча билан суз узаро богланган холда намоён булади. Бир томондан, суз ёрдамисиз тушунча вужудга келмайди, икинчи томондан суз тушунчанинг моддий асоси ва функциясини бажаради. Тушунчалар бир ёки ундан ортик сузлардан хосил булиши мумкин.

ТАФАККУР СИФАТЛАРИ

Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари, яъни сифатлари деганда унинг мазмундорлиги, мустакиллиги, эпчиллиги, самарадорлиги, кенглиги, тезлиги, чукурлиги кабиларни тушунамиз.

ТАФАККУР ТУРЛАРИ

Тафаккур куйидаги турларга булинади:

- 1.Кургазмали – харакат тафаккур.
- 2.Кургазмали – образли тафаккур.
- 3.Ихтиёrsиз ва ихтиёрий тафаккур.
- 4.Конкрет ва абстракт тафаккур.
- 5.Ижодий тафаккур.

Инсон томонидан бевосита идрок килинаётган предметлар эмас, балки тасаввур килинаётган образлар хакида фикр юритиш *КУРГАЗМАЛИ – ОБРАЗЛИ* тафаккур дейилади.

Богча ёшидаги болалар илмий тушунчаларга эга булмаганлиги учун билиш фаолиятида асосан кургазмали – образларга суюниб фикр юритадилар, мулохаза билдирадилар, хукм чикарадилар.

ИХТИЁRSIZ тафаккур деб мантикий тафаккур ёрдамида куп вақтлар давомида хал килинмаган аклий вазифаларнинг тусатдан, кутилмагандан хал килиниб колиши процессига айтилади.

ИХТИЁRIЙ тафаккур жараёни мулохаза, мухокама, исботлаш, гипотеза килиш каби шаклларда камоён булади. Математика, физика, химия, психология ва бошқа фанлардаги муаммо ва масалаларни ечиш жараёнлари бунга ёркин мисол була олади.

АБСТРАКТ тафаккур нарсаларнинг моҳиятини акс эттирувчи ва сузларда ифодаловчи тушунчаларга таяниб фикр юритишидир.

Фикр юритилиши лозим булган нарса ва ходисаларни идрок ва тасаввур килиш мумкин булса, бундай тафаккур *КОНКРЕТ* тафаккур дейилади.

Назарий тафаккур деб ходисаларни изохлашга фараз килишга каратилган тафаккур турига айтилади.

Вокеликни узгартириш воситаси билан реал нарса ва ходисаларни яратишга йуналтирилган фикр юритиш амалий тафаккур дейилади. Амалий тафаккур «Кандай килиб?», «Кайси йул билан?» каби саволларга жавоб бериш жараёнидир.

ИЖОДИЙ тафаккур мураккаб билиш фаолиятидан бири булиб тадрижий равишда, изчил узаро богланган жараёнлардан ташкил топади: даставвал саволлар

тугилади, вазифа аникланади, масала ечиш учун саволларга жавоб кидирилади. Ижодий тафаккурнинг навбатдаги компонентлари куйидагича акс эттирилади: куйилган саволларга жавоб излаш, масалани ечишга ёрдам берадиган йуллар, усуллар, воситалар, коидалар ва ку尼克маларни кидириш, уларни танлаш ва фаолиятга тадбик килиш ва бошқалар.

ТАФАККУР ВА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Тафаккур муаммодан, саволдан, таажжубланиш, хайратга тушиш ёки зиддиятдан келиб чикади. Мазкур муаммоли вазият шахсни фикр юритишга тортади, унинг фаолиятини ноаник муаммони хал килишга ундейди.

Муаммоли вазият уз ичига куйидаги мухим томонларни камраб олиши мумкин, биринчидан, муаммонинг куйилишини инсон тушуниб этиши, иккинчидан, муаммони хал килишга ёрдам берувчи восита, усул, йул, аклий харакатларни инсоннинг узи излаб топиши ва уларни маълум системага солиши, учинчидан, инсон муаммони хал килиш учун сараланган усулларни аввалги усуллардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаб, колганларидан узурнида ва тугри фойдаланиши, туртинчидан, инсон муаммо ечимиининг тугрилигига ишонч хосил килиши учун танкидий нуктаи назардан текшириб чикиши кабилар.

Муаммо хал килингандан кейин уни танкидий назардан текшириб чикиш ва тугри эканлигига ишонч хосил килиш фаолияти хам ижобий характер касб этади. Шундай килиб, бир талай амаллардан фойдаланиш туфайли муаммо хал килинади: куйилган муаммони булакларга ажратиб анализ килиш, муаммони яхлит холда тушунтириб бериш, муаммони хал этиш учун воситалар кидириш, топган воситаларни куллаш, муаммони танкидий текшириб чикиш, шунингдек, муаммо ечими тугрисида мантикий хulosага келиш кабилар.

Мавзунинг таянч тушунчалари: тафаккур, ижодий тафаккур, амалий тафаккур, мантикий тафаккур, индукция, дедукция, хукм, тушунча, хulosага чикариш, тафаккур сифатлари.

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун тест саволлари:

1. Хиссий билиш – бу:

- А) фикрларни мухокама килиб нарса ва ходисаларни билиб олиш;
- Б) фикирларни амалий фаолиятда акс эттириш;
- В) воеани нутк иштирокида акс эттириш;
- Г) нарса ва ходисаларни сезги, идрок, тасаввурларда акс эттириш.

2. Фикр юритиш жараёнлари – бу:

- А) тушунча, хукм;
- Б) индукция, дедукция хulosалаш;
- В) аналогия;
- Г) анализ, синтез, таккослаш, умумлаштириш.

3. Борликни бевосита акс эттириш:

- А) тасаввурлар оркали;
- Б) идрок ва тасаввурлар оркали;
- В) тушунча, хукм, хulosага чикариш;
- Г) таккослаш, анализ ва синтез оркали булади.

4. Тафаккур турлари – бу:

- А) анализ, синтез, таккослаш;
- Б) тушунча, хукм, хулоса чикариш;
- В) конкрет, абстракт, назарий, амалий
- Г) мустакиллик, танкидийлик.

АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И. Юксак малакали кадрлар – Ўзбекистон келажаги пойдевори. Т.1997.
2. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. Т.1990.
3. Фозиев Э. Психология. Т.1994.
4. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси Т.1997.
5. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда.1992 й.
6. Рахмонова М. Психология курсида курсатмалик. Т.1988.

Мавзуу: ТЕМПЕРАМЕНТ

Режса:

1. Темперамент хакида тушунча.
2. Темпераментнинг классик назариялари.
3. Темпераментнинг нерв-физиологик механизмлари.
4. Темперамент типлари.
5. Мехнат ва ўқии фаолиятида темпераментнинг роли.

Маълумки, одамлар хулк-атвори ва фаолият мотивлари нисбатан тенг булганда, ташки таъсирлар бир хил булганда, таъсирчанлиги ва курсатаётган энергиясига кура бир-бирларидан, сезиларли даражада фарқ киладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилишни ёқтиради. Бир хил одамларга хиссиётларнинг тез кузгалиши хос булса, бошқасига эса совукконлик хосдир, бошқа бирорни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасини харакатларда оғир-босиклик, юзнинг жуда хам кам харакат килиши ажратиб туради. Суз юритилаётган индивидуал фарклар узларининг тугма асосига эга булиши шубхасиздир. Бу шу нарса билан тасдикланадики, бу фарклар болалигига ёк маълум була бошлайди, хулк-атворнинг ва фаолиятнинг турли соҳаларида куринади ва алоҳида баркарорлиги билан ажralиб туради.

Психиканинг индивидуал жихатдан узига хос, табиий жихатдан шартлашган динамик куринишлар мажмуи кишининг темпераменти деб аталади.

Темперамент хакидаги дастлабки назария антик дунёга бориб тақалади. Масалан: эрамиздан олдинги 6-асрда яшаган юонон медицинасининг йирик вакили Гиппократ биринчи булиб одамларнинг хар хил хусусиятга эга эканлигига эътибор берган ва бу хар хилликнинг сабабини аниклашга харакат килган. У кишилар темпераментининг организимдаги суюкликларга (кон, шилимшик парда, ут)га караб уч турга булади.

Кейинчалик хам темперамент ва унинг асоси хакида олимлар томонидан хилмалар назариялар яратилди. Масалан, 18-аср охирида яшаган Иммануэл Кант коннинг инвидуал хусусиятлари темпераментнинг табиий асоси хисобланади, деган эди. П.Ф.Лесгафтнинг гояси хам шу нуктаи-назарга якин эди. Бу олим темпераментнинг

асосида кон айланиши (жумладан, кон томирлари кенглиги ва таранглиги, уларнинг буш жойи диаметри, юракнинг шакли ва хоказолар) хусусияти ётади деб ёзган эди.

Немис психиатри Э.Кречмер индивиднинг психик тузилиши тана тузилишига,тананинг умумий конструкциясига тугри келади,деган эди. Сезгиларли психик активликка эга булган,атрофда булаётган воеаларга тез муносабат билдирувчи,тассуротларини ха деб узгартиришга интилувчи, мувоффакиятсизликлар ва кунгилсизликларни нисбатан енгил утказиб юборувчи,жонли,харакатчан,ифодали мимикаси ва харакатлари булган киши сангвиник деб аталади.

Юраги кенг,баркарор интилишларга ва кайфиятларга,доимий ва чукур хистуйгуларга,харакатлари ва нутки бир хил маромда булган,рухий холати ташки томонда ифода этиладиган киши холерик деб аталади.

Таъсиран,чукур кечинмали,гап кутара олмайдиган,аммо атрофдаги воеаларга унчалик эътибор бермайдиган,узини тухтата оладиган харакатлар киладиган ва секин овоз чикарадиган кишилар меланхолик деб аталади.

Аслида одамларни туртта тип буйича таксимлаш мумкин эмаслиги тушунарли. Темпераментнинг турли-туманлиги тугрисидаги масала фанда хали батафсил хал килинган эмас.

Темпераментнинг нерв-физиологик механизимини илмий асосда тушунтириб берган киши И.П.Павлов булди. У уз умрининг куп кисмини олий нерв системаси фаолиятини урганишга багишлади. Унинг тадқикотлари натижасида одамдаги индивидуал фарклар асосида кузголиш ва тормозланиш уртасидаги вазминлик ётиши аникланди.

Нерв системаси кучи типнинг энг муҳим курсаткичdir.

Нерв фаолиятининг типи-организимнинг табиии хусусиятиdir. У наслийдир,лекин бутунлай узгармас хисобланмайди, у ривожланишда ва маълум даражада атрофдаги шароит,мухит таъсири туфайли узгаради.

Темперамент типларининг келиб чикишида,юкорида айтганимиздек,ирсият асосий роль уйнайди. Агар ирсий физиологик хусусиятлари бир хил булган битта тухумдан пайдо булган (гомозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятларини ирсий физиологик хусусиятлари унчалик бир хил булмаган, иккита тухумдан пайдо булган (гетерозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятлари билан солиштирасак,бу нарса жуда яккол куринади. Гетерозигот эгизакларга караганда гомозигот эгизаклар темпераментлари хусусиятларининг ухшашлик даражаси шунчалик ортикки,темпераментнинг ирсият йули билан берилиши имконияти 85% га тенгdir.

Гарчи темперамент типлари, умуман олганда, ирсиятга боғлик булсада,темпераментнинг айrim хусусиятлари ҳаёт шароитлари ва тарбияга боғлик холда маълум даражада узгаради.

Темпераментнинг айrim хусусиятларининг ҳаёт шароитлари ва тарбияга боғлик холда узгаришини темперамент типларининг вояга етишидан фарклаш лозим. Темперамент типи унга хос булган барча характерли хусусиятлари билан бирга, тугилиш чогидан бошлаб ёки маълум ёшда бирдан пайдо булиб колмайди. Нерв системасининг вояга етишидаги умумий конуниятлари темперамент типининг вояга етишига хам таъсир килиб, изини колдиради.

Маълум темперамент типининг асосий хусусиятлари бирданига хаммаси номоён булмайди, балки ёшга караб секин-аста нерв системасининг вояга етиши билан боғлик холда номоён булади. Бу жараённи биз темпераментнинг вояга етиши деб атаймиз.

Ёшлар касб танлаётганда темперамент хусусиятлари хисобга олиниши лозим. Масалан, ҳозирги замон техникасида меланхологик учун кирувчи самолётда учувчи булиш нихоятда кийин ёки бундай кишиларга тусатдан пайдо буладиган авария хавфи уз вақтида реакция килиши лозим булган мураккаб энергосистемаларда ишлаш оғирлик килади. Одамнинг психик хусусиятларига нисбатан фаолиятнинг шундай йул билан танлашни касбга йуналтириш деб аталади.

Темперамент типлари хусусиятларини мумкин кадар укувчилар тарбияси жараёнида хам хисобга олиш зарур. Масалан, меланхолик укувчини харакатлари учун кескин койиш унинг рухини тушуриб юборади. Узига ишонмвслигини яна орттириб юборади ва уз кучига шубха билан карай бошлайди.

Юкоридаги усулларни сангвиникка нисбатан ишлатиб булмайди. Чунки у бошидан кечирган кунгилсиз воқеаларни тез эсдан чикариб юбориши ва уз кучи, кобилятларига ортиқча баҳо беришга мойилдир, Салбий баҳога нисбатан каттиклик ва талабчанлик унга ижобий тасир курсатиши мумкин. Темперамент хусусиятини хисобга олган холда худди шундай индивидуал муносабатда булиш меҳнатни ташкил килишда, спортчиларнинг машкларида ва фаолиятнинг бошқа турларида хам булиши мумкин ва зарур.

Нихоят, фаолият талабларига темпераментни мослаштиришнинг асосий энг универсал йули индивидуал иш услубининг таркиб топишидир. Меҳнат фаолиятидаги айни бир вазифа ва талаблар ҳар турли усуллар ва йуллар билан бир хил самарали амалга оширилиши мумкин. Фаолиятнинг индивидуал услуби деганда биз мазкур одам учун характерли булган ва самарали ишлаши учун максадга мувофик булган харакатлар ва йулларнинг индивидуал системасини тушунамиз.

Фаолиятнинг индивидуал услуби одамда уз-узидан, стихияли равишда пайдо булмайди. У таълим ва тарбия жараёнида таркиб топади. Индивидуал услуб таркиб топишининг биринчи куртаклари багчаш ёшидаги катта болаларда уйин характеридаги амалий масалаларни ечишдаёт курина бошлайди.

Фаолиятнинг индивидуал услубини тарбиялаш ишлари асосланадиган катор алохида психологик ва педагогик принциплар мавжуддир. Таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, индивидуал услубни таркиб топтириш йули билан одамнинг темпераментини фаолиятнинг объектив талабларига яхшилаб мослаштиришдан иборатдир.

Мавзуунинг таянч тушунчалари: темперамент, нерв типи, кузголиш, тормозланиш, мувозанатлилик, холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик.

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Темперамент кишининг кайси хусусиятларида намоён булади?
2. Темпераментга хос назарияларни тушунтиринг.
3. Темперамент типлари кайсалар?
4. Темпераментнинг етилиши деб нимага айтилади?
5. Касб танлашда темпераментни хисобга олишнинг ахамияти кандай?

А д а б и ё т л а р :

- 1.Каримов.И. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда Т.1999 йил.
- 2.Фозиев Э. Психология 1994 йил.
- 3.Фозиев Э. Олий мактаб психологияси Т.1997 йил.
- 4.А.В.Петровский таҳририда Умумий психология Т.1992 йил.
- 5.Хрестоматия по общей психологии М.1981 йил.
- 6.Мерлин В.И.Очерк теории темперамента М.1974 йил.

Х А Р А К Т Е Р

Режса:

1. *Психологияда характер муаммолари.*
2. *Характераолгияга турлича ёндошувлар.*
3. *Характернинг тузилиши.*
4. *Характерда акцентуация холати.*
5. *Хулк-автор ва характернинг шаклланиши.*
6. *Тарбия ва уз-узида характерни тарбиялаш.*

Характер юононча суз булиб «зарб килиш», «белги куйиш» деган маънони билдиради. Хакикатдан хам характер кишининг жамиятда яшаб эгаллайдиган алохидат белгилариридан. Шахснинг индивидуаллиги темперамент сингари характерда хам намоён булади. Характер – бу шахснинг фаолият ва мулокоти жараёнида таркиб топадиган ва намоён буладиган индивидуал хусусиятлари булиб, индивид учун у типик хулк-автор хислатлари булиб хисобланади.

Кишининг шахси у нима килаётгани билан эмас, балки уни кандай бажараётгани билан характерланади.

Характер киши шахсининг йуналишини белгилайдиган ижтимоий муносабатларга баглик булади. Масалан, кишининг жамиятдаги юкори мавкеи, амали унда такабурлик, кеккайганлик, риёкорлик, таъмагирлик, мунофикалик каби салбий хислатларни шаклланишига олиб келиши мумкин. Аксинча, оддий меҳнатқаш кишида жамиятдаги мавкеига караб фидокорлик, максадга интилганлик, жасурлик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби ижобий хислатларнинг шаклланишига олиб келади.

Характернинг тузилиши

Инсон шахсининг характери хамиша купкирралиридан. Унда алохидат хусусиятлар ёки томонлар ажратилиб курсатилиши мумкин, лекин улар бир-бирларидан ажратилган, алохидат холда булмайди, балки маълум даражада характернинг баркарор тузилишини ташкил этган холда узаро баглик булади.

Характернинг структураси унинг айрим хусусиятлари уртасидаги конуний багликликда намоён булади. Агар киши куркок булса, у ташаббускорлик, катыйильик ва мустакиллик, фидокорлик ва олийхимматлилик фазилатларига эга булмайди, деб айтиш учун асослар бор. Шу билан бирга характери буйича куркок кишидан

итоаткорлик ва хушомадгүйликни, кучли кишига нисбатан конформлиликни, кизгончиликни, соткинликни, ишончсизлик ва эхтиёткорликни қутиш мумкин.

Характернинг хусусиятлари орасида айримлари асосий, етакчи булиб, унинг намоён булишининг бутун комплексини ривожлантиришнинг умумий йуналишини белгилаб беради. Улар билан бир каторда иккинчи даражали хусусиятлар хам борки, айрим холларда улар асосий деб белгиланиши, бошқаларида эса улар билан уйгуналашмаслиги хам мумкин.

Характер субъектнинг биргаликдаги фаолиятга кай тарзда фаол жалб килинишига караб хатти-харакатларда ва ишларда намоён булар экан, хам фаолият мазмунига, хам кийинчиликнинг муваффакиятли ёки муваффакиятсиз бартараф этилишига, хам асосий ҳаётий максадларга эришишда узок ва якин истиқболларга boglik булиб колади.

Шундай килиб характернинг таркиб топишида кишининг теварак-атрофидаги мухитга ва уз-узига, бошқа кишига кандай муносабатда булиши мухим хисобланади. Шу билан бирга бу муносабатлар характернинг энг мухим хусусиятларини таснифлаш учун асос булади.

Юкоридагилардан келиб чикиб характернинг туртта системасини фарклаш мумкин:

1. Жамоага ва айрим одамларга булган муносабатларни ифодаловчи характер хусусиятлари: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такабурлик ва бошқалар.
2. Мехнатга булган муносабатни ифодаловчи характер хислатлари: меҳнатсеварлик, виждонлилик, инга масъулият билан караш, бошлаган ишни охирига етказиш, ялковлик, масъулиятсизлик кабилар.
3. Нарсаларга булган муносабатларни ифодаловчи характер хислатлари: озодалик ёки ифлослик, нарсаларни аяб ишлатиш ёки аямаслик, уларга нисбатан эхтиёткорлик ёки аксинча кабилар.
4. Одамнинг уз-узига булган муносабатларини ифодаловчи характер хислатлари: иззат-нафслилик, уз шаънини эхтиёт килиш, камтарлик, узига ортиклича баҳо бермаслик ёки шуҳратпарастлик, магрурлик, димогдорлик, узини като олиш кабилар.

Характер хусусиятларининг акцентуацияси

Характернинг кишида куринадиган ва тилимизда уз ифодасини топган хусусиятлари бехад куп булиб, мингдан ортикли ташкил этади. Шу сабабли характернинг узгариб турадиган хусусиятларини санаб ва таснифлаб бериш жуда кийин. Бундан ташкари хозиргача психологияда аник бир таснифлаш схемаси ишлаб чиқилган эмас. Характернинг у ёки бу хусусияти микдорий ифодалилиги охирги маррага етиб ва норма чегарасига бориб колганда характернинг акцентуация /ортиклича ургу берилиши/ деб аталадиган вазият пайдо булади. Характернинг ортиклича ургу берилиши – айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охирги чегарасидир.

Хулк-автор ва характернинг шаклланиши

Худи темперамент каби характер хам кишининг физиологик хусусиятларига, характернинг куринишларига уз таъсирини курсатади, уларнинг пайдо булиши ва кечишининг динамик хусусиятларини белгилаб беради.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига каршилик курсатиши ёки ёрдам бериши мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга караганда флегматик типдаги одам узида ташаббускорлик ва катъийликни таркиб топтириши кийинрокдир. Журъатсизлик ва вахималиликни бартараф этиш меланхолик учун жиддий муаммо булиб хисобланади. Характернинг жамоада шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда узини тута билишни ва узига такидий куз билан карашни, сангвиникларда саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун кулай шароитлар яратади.

Характер хусусиятларининг пайдо булиши, унинг табиати, узгариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги психологларнинг узок давом этиб келаётган мунозаралари мавзуи булиб хисобланади.

Характер – куп жихатдан уз-узини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён булади, шу билан бирга, у шу фаолиятда шаклланади хам. Агар йигит ёки киз узини - узи танкид килишни характерининг хусусияти сифатида тарбиялашга уринаётган булса, улар узларига танкидий нуктаи назардан ёндошишлари керак.

Мехнат ва ўқиши тугрисида гапирмаган тақдирда хам кунлалик турмуш, оиласдаги ҳаёт шароитлари инсоний характерлар мактабидир. Педагоглар ва отоналар олдида мунтазам равишда масъулиятли вазифа: болалар характерида сезила бошлаган узгаришларни уз вақтида сезиш ва уларни инобатга олган холда хулк-автор ва тарбия соҳасида уз йулини амалга ошириш вазифаси туради.

Шундай килиб, кишига характер табиатан берилмаган. Узгартириб ва кайтадан шакллантириб булмайдиган характер булмайди. «Менинг характерим шунака ва мен узими хеч нарса кила олмайман» деб баҳона килиш психологик жихатдан мутлако асолсиздир. Хар кандай киши хам уз характерини барча куринишлари учун жавобгардир, хар бир киши узини-узи тарбиялаш имконига эгадир.

Характернинг шаклланиши

Кишининг характери тугма, доимий ва узгармайдиган нарса эмас. Бола онадан меҳнатсевар ёки дангаса, ростгуй ёки мунофик, ботир ёки куркок, интизомли ёки интизомсиз булиб тугилмайди. Хар бир одамнинг характери темпераменти асосида, ижтимоий мухит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва киши уз-узини тарбиялаш билан тараккий килиб, узгариб боради.

Характернинг тараккийси кишининг иродаси, акл-идроқи ва хиссиётларининг тараккий килиб бориши билан мустахкам бөглиқдир. Шу сабабли кишининг иродаси, акл-идроқи ва хис-туйгуларининг тараккий килиб бориши ва уларнинг тарбияланиши хакида айтилган фикрларнинг хаммаси киши хирактерининг ривожланишига хам тегишлидир.

Характернинг усииида ижтимоий мухитнинг роли

Кишинингбутун ҳёти давомида унинг характеристи таркиб топишига ижтимоий мухит, аввало, шу киши бирга яшаб ва ишлаб келган жамоа катта таъсир курсатади.

Характернинг усишида тарбиянинг роли

Характернинг усишида тарбия ва уз-узини тарбиялаш асосий ва етакчи роль уйнайди. Усиб келаётган ёш авлоднинг характеристи аввало оиласда ва мактабда тарбияланади. Болаларнинг характеристини тарбиялашда катта, масъулиятли вазифа ота-оналар, уқитувчилар, болалар боғчалари тарбиячилари зиммасига тушади.

Характернинг усишида жамоанинг роли

Бола характеристининг таркиб топишида жамоанинг тарбиявий роли нихоят каттадир. Инсон якка, бир-биридан ажралган холда танҳо яшай олмайди. У муайян бир жамоада, чунончи, оиласда, мактабда, цехда, боғчада ҳаёт кечиради. Жамоа – шахс билан жамият уртасидаги боғловчи звенодир. Одамнинг фаолияти – уйин, ўқиш ва меҳнати худди мана шу жамоада вое булади. Жамоа шахснинг энг якин конкрет мухити булиб колмай, балки шахсни тарбиялади хам. Киши характеристининг керакли ижобий хислатлари факат жамоада тарбияланмоги мумкин.

Уз характеристини узи тарбиялаш

Киши характеристи уз – узини тарбиялашнинг хам маҳсулидир. Шу сабабли хар бир киши маълум ёшдан бошлаб уз характеристи ва унинг айрим сифатлари учун жавобгар хамдир. Шу билан бир вақтда киши уз характеристида салбий томонларни узи тан олиши, камчиликларни узи тарбиялаши лозим. Уз характеристини тарбиялашда киши аввало яхши фазилатларни, яхши идеалини узида тарбиялаши керак.

Характернинг усишида гамунанинг роли

Юксак ахлокий ва иродавий хислатлари билан хаммага манзур булган кишилар намунаси характерист тарбиялашнинг мухим воситаси булиб хисобланади. Жамиятимизда болаларга намуна килиб курсатиш мумкин булган ажойиб инсонлар жуда куп. Айниқса, мустакилликка эришганимиздан кейин узининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, халк манфаати йулидаги фидокорлиги билан ёшларга ибрат буладиган кишилар тобора купайиб бормокда. Бундай кишиларни биз улкан курилишларда, Тошкент-Уш халкаро йулининг курилишида, чет эллар билан хамкорликда күшма корхоналар очганлар орасида, фан, техника, санъат, адабиёт намояндлари орасида куплаб учратишими мумкин.

Мавзунинг таянч тушунчалари: характерист, характерист хислати, характерист структураси, акцентуация, интерверсия, экстроверсия, френология.

Мавзу буйича талабалар билимини синаш учун саволлар:

1. Характер деб нимага айтилади ва унинг темпераментдан фарки нимада?

2. Характерни классификация килиб беринг.
3. Характер структурасини тушунтиринг?
4. Характер шакланишининг омиллари кайсалар?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конуни. Т., 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Конуни. Т., 1997 й.
3. И.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори» 1997 й.
4. Э.Фозиев «Олий мактаб психологияси» Т.. 1997 й.
5. Э.Фозиев «Психология» Т., 1994 й.
6. А.В.Петровский таҳририда «Умумий психология» Т., 1992 й.
7. И.П.Иванов «Умумий психология» Т., 1969 й.
8. К.К.Платонов «Кизикарли психология» Т.. 1971 й.

Мавзу: Қ О Б И Л И Я Т Л А Р

Режса: 1. Қобилияtlар хакида тушуунча.

- 2. Қобилияtlарнинг сифат ва микдор характеристикаси.*
- 3. Қобилияtlарнинг тузилиши.*
- 4. Истеъдод, унинг пайдо булиши.*
- 5. Қобилияtlар ва истеъдоддинг табиий шарт-шароитлари.*
- 6. Қобилияtlарнинг таркиб тошиши.*

Республикамиз мустакилликка эришгандан кейин ёшлардаги қобилият ва истеъдоднинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди. Хукуматимиз ва шахсан Президент И.Каримов ёшларнинг тарбияси, улардаги қобилиятни устириш масаласига биринчи даражали эътибор бера бошлади. Республикаизда «Умид» жамгармасининг ташкил килиниши бу соҳадаги ишларнинг дебочаси булди. Кейинчалик «Устоз» бирлашмаси, «Мусаввир» илмий ишлаб чикириш маркази, «Хунарманд» уюшмаси кабилар хам тузилдики, булар халкимизнинг, биринчи навбатда ёшларнинг интилишлари, кизикишлари, қобилият ва истеъдодларини давлат йули билан куллаб-куватлашга каратилгандир.

Хуш, қобилияtlар нима? Қобилияtlар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, куникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга bogлиқ булади, лекин шу хусусиятларнинг узлари мазкур билим, куникма, малакаларга тааллукли булмайди. Қобилияtlар билим, куникма, малакаларни эгаллашда намоён булса хам, билимлар ва куникмаларни эгаллаш билан bogланиб колмайди. Қобилияtlар ва билимлар, қобилияtlар ва малакалар, қобилияtlар ва куникмалар айнан бир-бирига ухшаш нарса эмас.

Малакалар куникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилияtlари кандайдир имконият сифатида намоён булади. Тупрокка ташланган дон ана шу дондан униб чикиши мумкин булган бошокка нисбатан атиги имконият булиб хисоблангани сингари кишининг қобилияти бу билимлар ва куникмаларни эгаллаш учун имконият хисобланади халос.

Қобилиятлар факат фаолиятда, шунда хам факат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин булмаган фаолиятдагина намоён булади.

Қобилиятлар билим, малака ва куникмаларнинг узида куринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён булади, яъни, бошқача килиб айтганда, мазкур фаолият учун муҳим булган билимлар ва куникмаларни эгаллаш жараёни турли teng шароитларда канчалик тез, чукур, осон ва мустахкам амалга оширилишида намоён булади. Худди ана шу уринда юзага чикадиган фарклар бизга қобилиятлар хакида гапириш хукукини беради.

Шундай килиб, қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятни муваффиятли амалга ошириш шарти хисобланган ва бунинг учун зарур билим, куникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чикадиган фаркларда намоён буладиган индивидуал – психологик хусусиятдир.

Қобилиятларнинг сифат ва микдор характеристикаси.

Қобилиятлар индивидуал – психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ киладиган белгилари сифатида таърифланади. Уз-узидан маълумки, кишилар бир-бири билан teng эмас. Ана шунинг учун хам қобилиятлар хакида гап кетганда бу фаркларни характерлаб утиш керак. Бу фарклар сифатли ва микдорий булишлари мумкин.

Қобилиятларнинг сифат жихатдан характеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагоглик, иктисадчилик, спорт ва бошқаларда) осонлик билан узини топа олади, катта ютукларга ва муваффиятларга эришади деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бу билан қобилиятларнинг сифат характеристикаси уларнинг микдорий характеристикасига узвий boglikdir.

Психологияда қобилиятларни микдор жихатдан улчаш муаммоси узок тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида катор психологлар (Кеттель, Термен, Спирмен ва бошқалар) оммовий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурияти билан boglik булган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилиятини аниклашни таклиф килиб чиқдилар.

Уша пайтларда қобилиятларни улчаш усули сифатида аклий истеъдод тестларидан фойдаланилди.

Аклий истеъдод тестлари мазмун жихатдан катор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффияти (сафланган вақтни хисобга олиб) балл ёки очколар йигиндиси билан хисобланади. Масалан, ун бир ёшлик болаларнинг аклий қобилиятларини аниклаш учун инглиз мактабларида куйидагича тест кулланган: «Петр Жеймсга караганда баландрок, Эдвард Петрдан пастрок. Хаммадан кура ким баланд? Савол тагига куйидаги жавоблар ёзиб куйилади: 1 Эдвард, 2. Жеймс, 3. Петр,» Айта олмайман. Ёки бошқача тест: кизил, яшил, кук, хул, сарик. Бу ерда бола туркумга кирмайдиган сузни аниклаши керак ва хокозо.

Болалар тестлар тупламини бажариб булгандан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йул билан, яъни хар бир синалувчи олган очколар микдорини хисоблаш билан шуғулланишади.

Қобилиятларнинг тузилиши.

Қобилият сифатида намоён буладиган фазилатлар йигиндисининг тузилиши окибат натижада конкрет фаолият талаблари билан белгиланади ва фаолиятнинг хар хил турлари учун турлича булади. Масалан, адабий қобилиятларнинг тузилиши эстетик туйгуларнинг юксак тараккий этган даражасини, хотирада ёркин кургазмали образлар мавжудлигини, тил хиссини, бой фантазияни, одамлар психологиясига нисбатан зур кизикишни, уз-узини ифодалаш эҳтиёжини ва шу кабиларни такоза килади. Мусикӣ, педагогик, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва жуда куп қобилиятлар тузилиши узига хос характерга эгадир.

Конкрет қобилиятлар тузилишини ташкил этадиган шахс хислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бирлари етакчи уринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчи ролни уйнайдилар. Жумладан, педагогик қобилиятлар тузилишида педагоглик одоби, кузатувчанлик, болаларга мухаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан кушиб олиб бориладиган билим беришга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир катор ташкилотчилик қобилиятлари комплекси етакчи фазилатлар хисбланади.

Қобилиятлар умумий ва маҳсус булиши мумкин. Хар турли қобилиятларнинг конкрет психологик характеристикасини урганар эканмиз, биз бу қобилиятларда биргина эмас, балки жуда куп турдаги фаолият талабларига жавоб берадиган умумийрок фазилатларни ва бундан ташкари ушбу фаолиятнинг бир мунча торрок доираларга жавоб берадиган маҳсус фазилатларни ажратишимиш мумкин. Айрим кишиларда бу умумий фазилатлар ёркин ифодаланади. Масалан, Ибн Сино хам врач, хам ёзувчи, хам мусикачи, хам математик ва хокозо қобилиятларга эга булган. Хамза Ҳакимзода Ниёзий хам драматург, шоир, композитор, педагог, жамоат арбоби булган. Айрим кишиларда эса фазилатлар купрок бир фаолиятга тегишли булади. Масалан, рассомликка, композиторликка, наккошликка қобилият ва хокозо.

Истеъдод, унинг пайдо булиши

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб айтилади. Истеъдод бу кишига кандайdir мураккаб меҳнат фаолиятини муваффакиятли, мустакил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасидир. Қобилиятлар каби истеъдод хам факат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффакиятларга эришиш имкониятидан иборатdir.

Уриш йилларида саркардалиқ истеъдодлари жушкин ривожланади, тинчлик даврида инженерлик, конструкторлик ва шу каби истеъдодлар ривожланади. Масалан, хозир Ўзбекистонни дунёдаги энг илгор, энг обрули давлатлардан бирига айлантириш асосий вазифа булиб турибди. Мустакиллик даврининг ана шу эҳтиёжи ажойиб курувчилар, мухандислар, наккошлар, хунармандларнинг усиб чикишига йул очди. Айникса спрот соҳасидаги муваффакиятларимиз бекиёсdir. Мана, узбек

кураши буйича биринчи уринда, бокс буйича юкори уринлардан бирида турибмиз. Буларнинг хаммаси давр такозасидир.

Истеъдод-бу қобилияtlар йигиндисидан, уларнинг мажмуудан иборатдир. Алохида олинган, якка қобилияtlни, гарчи таракиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёркин ифодаланган булса хам, истеъдод билан тенглаштириб булмайди.

Шундай килиб, истеъдод шахс психик фазилатларининг шу кадар мураккаб бирикмасики, уни кандайдир бирорта ягона қобилият билан, хатто бу қобилият хотиранинг юксак маҳсулдорлиги каби жуда кимматли қобилияtlар булишига карамасдан, белгилаб булмайди.

Қобилияtlар ва истеъдоднинг табиий шарт – шароитлари.

Шахснинг барча индивидуал психологик хусусияtlари каби қобилияtlар унга кандайдир табиат томонидан тугма равишда, тайёр холда берилмайди, балки ҳаёт ва фаолият жараённинг таркиб топади. Киши дунёга хеч кандай психик хусусияtlарсиз, факат уларни ортиришга каратилган умумий имконияtlар билан келади, холос.

Ҳозирги пайтда истеъдод нишоналарини миянинг ва сезги органларининг микроструктураси билан баглайдиган назария энг маҳсулдор хисобланади. Мия хужайраларини чукур урганиш истеъдодли кишининг нерв туркумаларини курсатадиган морфологик ва функционал хусусияtlарида фарқ борлигини аниклаш имкониятидадир деб таҳмин килиш мумкин. Шунингдек, истеъдод нишоналарини нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусияtlари билан (нерв кучи, мувозанатлашуви ва харакатчалиги уртасидаги фаркларга караб) ва шу билан олий нерв фаолияти турлари билан багловчи гипотеза хам ҳакикатга якинроқдир.

Булардан ташкари, қобилияtlарни табиий асосларини нерв системасининг хусусий хусусияtlари деб аталган хусусияtlар билан баглайдиган, яъни айрим одамларда куриш, бошқа одамларда эшлиши, учинчи бир хилида эса харакат соҳасида намоён буладиган узига хос типологик хусусияtlар билан баглайдиган гипотезалар яна хам ҳакикатга якинроқдир.

Жиддий статистика қобилияtlар ва истеъдодларнинг ирсият йули билан утишини исботлайдиган хеч кандай далиллар бермайди. Қобилияtlарнинг ирсият йули билан утиши ҳакидаги илмий назарияга хам каршидир.

Қобилияtlарнинг таркиб топиши

Гарчи қобилияtlарнинг ривожи хар турли одамларда мутлоко бир хил булмаган табиий шарт-шароитларга баглик булса хам, юкорида куриб утилган истеъдод нишоналари ва қобилияtlар уртасидаги нисбат, қобилияtlар шунчаки табиат инъоми эмас, балки кишилик тарихининг маҳсули эканлигини курсатади. Агар хайвонларда олдинги авлод ютукларининг кейинги авлодга утказиб берилиши асосан организмнинг ирсий морфологик узгаришлари оркали амалга ошса, инсондат бу ижтимоий-тарихий йул билан, яъни меҳнат куроли, тил, санъат асарлари ва шу кабилар билан амалга ошади.

Киши узида муайян фаолиятга қобилият бор ёки йуклигини сезиш ёки сезмаслмигини билдирадиган омил таълим методикаси хисобланади. Таълим методикаси каерда ожиз булса, уша ерда қобилияtlарнинг тугма эканлиги ҳакидаги

гаплар пайдо булади. Уз-узидан маълумки, методика доим такомиллашиб боради, бу эса «тугма қобилияйтлар» доирасини торайиб боришига олиб келади.

Қобилияйтлар ва истеъдодларни шакллантириш муаммоси катта ижтимоий ва давлат ахамиятига эга булган масаладир.

Инсон қобилияларини ривожлантиришнинг мухим омиллари – баркарор маҳсус кизикишлардан иборат. Маҳсус кизикишлар – бу инсоният фаолиятининг қандайдир соҳа мазмунига булган кизикишлари булиб, бу кизикишлар ана шу турдаги фаолият билан касб тарикасида шуғулланиш мойиллигига усиб кутарилади. Билишга доир кизикиш бу уринда фаолият усуллари ва услубларини амалий равишда эгаллаб олишни рагбатлантиради.

Бирор меҳнат ёки укув фаолиятида кизикишнинг пайдо булиши бу фаолиятга нисбатан қобилияларнинг уйгониши билан чамбарчас боғликлиги ва қобилияларнинг ривожланиши учун дастлабки замин сифатида хизмат килиши кайд этилган.

Мавзунинг таянч тушунчалари: қобилият, лаёкат, маҳорат, талант, истеъдод, педагогик қобилият, коммуникатив қобилият, дидактик қобилият, авторитар қобилият, перцептив қобилият.

Мавзу буйича талабалар билимини синаши учун тестлар:

1. Лаёкат – бу:

- А) шахснинг якка хусусияти;
- Б) лаёкат қобилиятнинг шаклланишига таъсир килади;
- В) қобилиятнинг ривожланиши тугма имконият;
- Г) тасавурлар туплами.

2. Истедод – бу:

- А) кишининг муайян фаолиятга лаёкати;
- Б) инстинкт;
- В) куникма, малака, билим;
- Г) қобилияларда намоён буладиган тугма хусусият.

Адабиётлар.

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисадий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: 1995.
2. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. Т.: 1997.
3. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. Т.: 1992
4. Давлетшин М.Г. Укувчиларда техник қобилиятнинг ривожланиши. Т.: 1991

